2001 ЙИЛ 7 август, СЕШАНБА

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 93 (6.306).Сотувда эркин нархда

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Ўзбекистон Банклар уюшмасининг Тошкентдаги Банкларо молия хизматлари марказида мамлакатимиз Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси томонидан 2001-2002 ўқув йили учун эълон қилинган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Грантларни Бош вазир ўринбосари, «Умид» жамғармаси раиси Р.Азимов топширди.**

● Бухорода «Ўзқўргазмасавдо Республика ярмарка савдо маркази» акционерлик жамиятига қарашли «Бухорокўргазмасавдо» шўъба корхонаси иш бошлади.

● **Андижондаги ип газлама ишлаб чиқарувчи Бобур номли акционерлик жамиятида тўқувчиларнинг касбий танлови ўтказилди. Танлов акционерлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмалари қўмитаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ташкил этилди.**

● Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманидаги спорт коллежида давлат солиқ хизмати ходимларининг 1-спартакиадаси бўлиб ўтди.

● **Пойтахтдаги сўлим «Боғи эрам» маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб хайрия тадбири ўтказилди..**

● Шароф Рашидов туманида Сирдарё вилояти хотин-қизлар қўмитасининг «Аёлларнинг жамиятдаги роли ва ўрни» мавзуидаги кўчма семинари бўлиб ўтди.

● **Тошкентда «Асли сендан бошланур Ватан!» мавзуида маҳалла кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

● Тошкент вилоятида жойлашган «Амир Темур» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Чорвоқ-2001» деб номланган болалар бадиий ижодининг бешинчи анъанавий экологик фестивали бўлиб ўтди.

● **Гулистонда бўш иш ўринлари ва лавозимлар ярмаркаси ўтказилди. Унда вилоят марказидаги 80 га яқин ташкилот ва корхоналар иштирок этиб, 550 дан ортиқ бўш ўринлар таклиф этилди.**

«Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига

Азиз фарзандларим!

Сизларни халқимизнинг энг улуғ байрами - Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида қўлга киритган катта зафар - хориждаги энг нуфузли илм даргоҳларида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлганингиз билан чин қалбимдан муборак этаман.

Ўз ирода ва меҳнатингиз билан эришган бу ғалабангиз ҳам истиқлол берган беқиёс имкониятларнинг сиз, ёшларимиз ҳаётида намоён бўлишидан бир нишонадир.

Бугун сизларнинг зиммангизга бутун дунёга машҳур бўлган буюк ватандошларимизнинг муносиб вориси эканингизни амалда исбот этишдек улкан масъулият тушмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, дунёнинг ривожланган давлатларидаги университетларда таълим олар экансиз, ўз билимингиз, меҳнатсеварлигингиз ва ибратли ахлоқингиз билан Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасини муносиб равишда кўрсата оласиз.

Бугун сизлар чет элларда таълим олиш учун жўнаб кетаётган экансизлар, бир нарсани зинҳор унутмаслигингизни сўрардим: қаерда бўлишингиздан қатъи назар, ота-онангизнинг, халқимизнинг диққат-эътибори ҳамиша сизларда бўлади, чунки сиз каби ёшларни биз ўзимизнинг умид юлдузларимиз, келажагимиз эгалари деб биламиз.

Ишонаманки, сизлар ҳам «Умид» йўлланмаси билан чет элларда ўқиб келган 350 дан зиёд ўғил-қизларимиз каби хорижий университетларни муваффақиятли тамомлаб, ота-оналарингиз қанотига кирасиз, Ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида фарзандлик садоқати билан меҳнат қиласиз.

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, хайрли сафар олдидан оқ йўл тилар эканман, Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрашини, олижаноб интилишларингиз, дилингиздаги орзу ниятларингиз амалга ошишини тилаб қоламан.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Аввало, Сизни, бутун халқимизни фарзандларингиз номидан яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз -Мустақиллигимизнинг ўн йиллик шодиёнаси билан табриклаймиз.

Чексиз ғамхўрлик, оталарча самимият ва меҳр туйғулари билан йўғрилган табрик хатингиз учун биз - «Умид» жамғармасининг бу йилги совриндорлари Сизга ўзимизнинг бениҳоя миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Мактубингиздаги эзгу тилакларингиз, ҳар бир панду насиҳат ва маслаҳатингизни юрагимизга жо айлаб, билдирган юксак ишончингизни оқлаш учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Истиқлол биз, ёшларга улкан имкониятлар эшигини очиб берди. Бевосита Сизнинг раҳнамолигингизда юзлаб тенгдошларимиз жаҳоннинг энг нуфузли ўқув даргоҳларида таҳсил олиш шарафига муяссар бўлди. Бугун бундай улкан бахт бизга ҳам насиб этиб турибди. Бу - юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган ўтли даъватингизнинг яна бир ёркин ифодасидир.

Бугун Ватандан олисга йўл олар эканмиз, биз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, буюк тарихга ва бетакрор маданиятга эга бўлган юрт фарзандлари, дунёда ўчмас ном қолдирган улуғ алломаларнинг ворислари эканимизни доимо ёдда сақлаймиз. Мустақил Ўзбекистонимиз, бунёдкор халқимиз бизга умид кўзларини тикиб турганини, энг муҳими, Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни ҳеч вақт унутмаймиз, дея Сизни ишонтирамиз. Дунёнинг қайси мамлакатида бўлмайлик, аждодларимизга хос ақлий ва маънавий салоҳиятимиз, истеъдодимиз, одобу ахлоқимиз билан бошқа тенгдошларимизга ўрнак бўлишга, замонавий илм-фан сирлари ва илғор технологияларни қунт билан эгаллашга ваъда берамиз.

Муҳтарам Президентимиз!

Биз чиндан ҳам бахтиёр ёшлармиз. Зеро, юрт раҳбарининг, ота-онасининг оқ фотиҳасини олиб, давлат қўмагида жаҳоннинг энг илғор хорижий мамлакатларида билим олиш ҳар қандай юрт ёшлари ҳам ҳавас қилса арзийдиган улуғ саодатдир. Мана шундай улкан имконият яратиб берганингиз учун Сизга яна бир бор ўзимизнинг самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз.

Халқимиз, элимиз, ёшларимиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг, деб фарзандлик меҳри билан

2001-2002 ўқув йили бўйича «Умид» жамғармаси грантлари совриндорлари

БИЗ СЕНИ КУТАМИЗ, ЙИГИТ!

А.ТЎРАЕВ сурат - лавҳаси

МУЛОҲАЗА

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади ва аграр соҳа билан машғул.

ҲИСОБОТ ЭМАС, АМАЛИЙ ИШ КЕРАК

Шу боис давлатимиз раҳбарияти ислоҳотлар жараёнини, айниқса, қишлоқларда самарали кечиши учун жиддий эътибор бериб келмоқда. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси ишлаб турибди. Мазкур комиссия таркибидаги мутасаддилар ва унинг ишчи гуруҳи фаолиятининг мезони аграр соҳада тараққиёт омилларини белгилаш, янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш, ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштира бориб, энг мақбул тизимни шакллантиришдир.

Қува туманидаги Ал-Фарғоний номли ширкат хўжалигини олайлик. Мазкур хўжаликда 1998 йилда ғалладан гектаридан 34,4 центнердан ҳосил олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 55 центнерни ташкил этди. Сўнгги уч йилда хўжаликда кескин ўсиш кузатилмоқда. 2001 йил ғалла ҳосилидан жами 94 пудратчига шартномадан ортиқ етиштирган 41 тонна дон берилган. Хўжаликнинг ўзига эса 190 тонна буғдой қолдирилган.

Хўш, бир-икки хўжаликнинг яхши натижалари бутун мамлакат аграр соҳаси иқтисодий ислоҳотларини белгилаб бера оладими? Йўқ, албатта. Ҳозир мамлакатимизда 1866 та ширкат хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси тизимида 83 та ширкат хўжалиги мавжуд. Уларнинг 99 фоизи пай гувоҳномалари билан таъминланган.

Ҳисоботларга таяниб хулоса чиқарадиган бўлсак, соҳада ислоҳотлар текис кечаётгандек туюлади. Амалда эса бундай эмас. Пудратчилар ўз вақтида дивиденд ололмаяпти. Масалан, Жиззах вилоятидан 13 та ширкат хўжалиги ўтган йилни фойда билан якунлаб, пудратчиларга жами 68 миллион сўм дивиденд тўланиши керак эди. Афсуски, мана 8 ойдан буён деҳқонларга мазкур маблағлар берилмай келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА

СИРДАРЁ: МАВЖЛАРИДА ОЗОДЛИКНИНГ ЯНГРОҚ КУЙЛАРИ

"Дарёни кўриш учун қирғоққа бориш керак". Бу гапни "Ҳиндистоннинг виждони" деб эътироф этилган Робиндранат Тагор айтган. Ҳақ рост, иқлими ўта иссиқ ва қуруқ бўлган ўлкада бир томчи сувнинг қадри тиллодан ҳам баланд ва одамлар дарёларни муқаддас биладилар, уларга топинадилар, дарёларни "она" деб атайдилар, худди биз "она замин", "она Ватан" деганимиз сингари.

Бинобарин, ҳиндларнинг улуғлар ичра улуғлаган дарёси – Ганг. Бу халқ ўз дарёсини шунчалар муқаддас тутадики, унга туфлашни ҳам энг катта гуноҳ санайди.

Жаннатмонанд юртимизнинг қўш кокили – Аму билан Сир ҳам ана шундай муқаддасликка, улуғликка арзийдиган дарёлар.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг катта бир вилояти ана шу дарёлардан бирининг номи билан аталиши ҳам асло тасодифий эмас.

Зеро, Сирдарё мамлакатимизнинг қадим тарихи билан эгизак, ҳамқадам. Муқаддас "Авесто" китобида Дану бўйларида одамлар умргузаронлик қилгани қайд этилган. Эрамизгача бўлган юнон тарихчилари Яхартес – Яксарт билан боғлиқ жангу жадаллар, турмуш тарзию тараққиёт босқичлари юзасидан муфассал солномалар келтирганлар.

"Оққан дарё оқавериши" рост экан. Бироқ ўн йилки, Сир бўйларини Ватан тутган, неча минг йиллик мозийда ўзи бўлган-у, сўзи бўлмаган, зоти бўлган-у, оти бўлмаган эл ўзгача бир сафоли кунларда яшамоқда, ўзини чинакам бек санаб, озодлик, мустақиллик давронини шарафламоқда.



ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Истиқлол, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, сирдарёликлар учун ҳам улкан бунёдкорликлар, янгиланиш ва улғайиш даврини бошлаб келди. Агар вилоят аҳлидан "Кейинги ўн йилдаги энг катта воқеа нима бўлди?" деб сўралса, ҳеч иккиланмай Гулистон шаҳрининг ҳозирги жамолини кўрсатган бўларди. Шаҳарнинг қайта қурилиши эса, табиий, юрт озодлигининг шарофатидир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Тизгин олис "марказ"да бўлган замонда берухсат битта ғиштни ўрнидан қўзғатиб кўринг эди. Бу ерда эса кейинги 3-4 йилда чинакам замонавий миллий шаҳар чирой очди...

Сирдарёда ўзгаришлар кўп. Бу ҳолни вилоятга қадам қўйган илк лаҳзадаёқ ҳис этасиз. Бепоён далаларда ризқ ундираётган, эртанинг тамал тошини қўяётган деҳқоннинг матонатида, замонавий корхонада меҳнат қилаётган ишчининг ғайратида, XXI аср сарҳадларини кўзлаб дадил парвозга чоғланган ёшларнинг шижоатида ажиб бир янги интилишни, порлоқ келажакка ишончни туясиз бу ерда.

Мустақиллик юртимизнинг ҳар бир фуқароси тақдирида бўлгани каби сирдарёликлар ҳаётида ҳам туб бурилиш ясади. Бугун бундай оламшумул ўзгаришларни муҳташам спорт иншоотлари-ю, гўзал хиёбонларнинг кўрку жамолида, ўзини шу юртнинг озод фуқаросиман, деб билган ҳар бир кишининг орзу-ўйларида, амалга оширилиши мўлжалланган улуғвор режаларда сезиш мумкин. Нотўғри муносабат туфайли ҳолати ўзгарган замин оғриғига нажот изланяпти, бунинг учун чет эллик ҳамкорлар билан шерикчилик қилишга йўл очилди. Азалий қадриятларимиз ўз қаддини тиклади, миллатимизга хос катталарга ҳурмат, кичикларга мурувват, ўзбекона одобу андиша маънавиятимизни безамоқда. Истиқлол замондошларимизнинг ўз истеъдоди, имкониятларини жаҳон кўзгусида намойиш этиш имконини берди. Айниқса, таълим тизимидаги туб ислоҳот ёшларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб етишишларига ойдин йўл очди. Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтилиши билан мулк шакллари ўзгарди, мулкдорлар пайдо бўлди. Хуллас, биз Сирдарё вилоятида бўлганимизда, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик, истиқлолимизнинг буюк яратувчилик қудратини ҳар қадамда ҳис қилдик.

ЕР ҲАМ ВАТАНДОШИМИЗ

Харитада Сирдарё вилоятининг пайдо бўлиши ўзига хос тарихга эга. Бугун у кунларни қоралаб ўтириш мавриди эмас. Аммо чўлларни ўзлаштириш одамлар тақдирида ўзига хос из қолдирган. Ўша даврнинг яхшиёмон томонларини сийрату суратида мужассамлаштирган "Чўлда бўстон яратиш"нинг пировард ҳосиласи – улкан каналлар, турар жойлар, манзилларга элтувчи йўллар кишида инсон қудратининг миқёслари-ю, табиат қаршисидаги ожизликлари ҳақида қарамақарши ҳислар уйғотади. Айни чоғда ҳар бир гўшадан битта ҳақиқат овоз бериб турганга ўхшайди: шўро даври "даҳо"ларининг кўплаб режалари, жумладан, "80-йилларда коммунизм қуриш" хомхаёли сингари Мирзачўлни ўзлаштириш режаси ҳам охирига етмай, чала бўлиб қолган. Вилоятда ана шу камчиликларни бартараф қилиш, шу билан бирга бозор муносабатларига ўтиш баробарида иқтисодиётни мустаҳкамлаб бориш сингари мураккаб жараён кечмоқда.

Бу йил ғалла ҳосили ёмон бўлмади, бунақаси 4-5 йилдан буён кузатилмаётган эди. Вилоят бўйича шартнома режаси бажарилди. Вилоятда ирригация-мелиорация ишларида ечим кутиб турган муаммолар учрайди. Бу нарса шўрланган майдонларнинг кўпайиб бораётганида акс этмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ВАТАН ЯШАР ЮРАКДА

Мустақилликнинг беш йиллиги мактабда катта шодиёналар билан байрам қилинаётган кун эди. Болалар эл-юрт, Ватан ҳақидаги шеърларни бурро-бурро тилда ўқишар, байрамга меҳмон бўлиб келган ота-оналар уларни диққат билан тинглар эдилар.

Шу пайт 6-синфда ўқийдиган қорачадан келган бир қиз қўлини кўтарди.

-Майлими, мен ҳам битта шеър ўқиб берсам? – деди у қўлидаги қоғозга ишора қилиб.

Даврабоши қизнинг раъйини қайтаргиси келмади чоғи:

-Майли, қизим, қани, кимнинг шеърини ўқийсан, - деб сўради.

-Ўзим ёзганман.

Рухсора аввалига атрофдагиларга эгилиб салом берди-да, янгроқ овозда шеър ўқишни бошлади. У шеърни шундай тугатдики, ота-оналарнинг кўзларида севинч ёшлари порлади, ҳамма қарсак чалиб Рухсорани олқишларди.

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Улар орасида турган болалар шоири Тошпўлат Холматов неварасининг қўлига қачон қалам тутганидан ҳайрон эди. Ажабланди, лекин, юрагининг бир четида ифтихор туйди.

Тошпўлат Холматов бир умр мактабда ўқитувчилик қилди. Унинг болаларга аталган шеърлари тўпламларда, газета ва журналларда чоп этилган.

Рухсора эса Ҳакима қизининг фарзанди. "Қон тортибди-да" деб қўйди ўзича ўқувчилар орасидан неварасини кўзи билан излаб.

У дугоналари қуршовида "қачон ёздинг, ўзинг ёздингми, бобонг ёзиб бердими, яна борми" деган болаларча берилган саволларга жавоб қайтарарди.

Шу куни Тошпўлат ака неварасини етаклаб уйига олиб келди. Уни дарсхонасига олиб кирди-да:

- Рухсора қизим, яна шеърларинг борми? – деб сўради.

-Бор, - деди Рухсора бобоси қундалигимни текширса керак, деган ўйда олиб келган папкасини титкилаб.

(Давоми 4-бетда)

АНЖУМАН

"...Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили бўлиши даркор".

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ана шу сўзлари республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Фарғонада ташкил этган деҳқон ва

ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

фермер хўжаликларини ривожлантириш, улар томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини республикадан ташқарига чиқиш тажрибасига бағишлаб ўтказган кўргазмали семинарда бот-бот такрорланиб турди.

Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятлар деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари раҳбарлари, бир қатор туманлар илғор фермер хўжаликлари бошлиқлари, мутахассислар иштирок этган бу анжуманни айнан Фарғона вилоятида ўтиши бежиз эмасди.

(Давоми 2-бетда)

ҲОЖИ БОБО ЎЙЛАРИ

Исмоил ҳожи Бекжонов Янгиариқ туманида 30 йил "Гулистон" ширкат хўжалигига раислик қилган. Самарали меҳнатлари учун "Республикада хизмат кўрсатган пахтакор" унвонига сазовор бўлган. 1994 йилда "Кўриқтом" фермер хўжалиги ташкил қилиб, уни бошқариб келяпти.

Салом-аликдан сўнг "Қишлоқ ҳаёти"дан келганимизни ва мақсадимизни айтдик.

-Мен севиб ўқийдиган газетадан экансизлар. Қулоқларимга ишонмяяпман, - деди ҳожи бобо ҳаяжонини яширолмай. – Қани, шийпонга марҳамат.

Ҳовуз бўйидаги курсиларга ўтириб улгурмасимиздан мезбон ичкаридан газетамизнинг шу йилги тахламини кўтариб чикди.

-Мана, барчасини сонма-сон олиб қўйганман. Бошқа газеталарни ҳам ўқийман-у, аммо мазмун жиҳатидан газетангизни кейинги йилларда бойиб бораётганлиги менга кўпроқ маъқул келади. Ундаги мақолаларнинг ҳаётийлигини, тилининг равонлиги қишлоқ ҳаётига доир муаммоларни дадил кўтариб чиқа-ётганлигингиз эътиборни тортади.

ФЕРМЕР

Айниқса, "Буни ҳаёт дейдилар", "Қишлоқда дув-дув гап" рукнидаги мақолаларни қизиқиш билан ўқийман. "Истиқлол мушоираси" ташкил қилганлигингиз уни янада ўқишли қилмоқда.

-Фермер хўжалигингиз тўғрисида ёзмоқчи эдик.

Бу сўзлардан сўнг Ҳожи бобо бироз ўйга чўмди. Хаёллари уни узоқларга олиб кетди, шекилли, кўзларини юмганича жим қолди. Балки унинг хаёлларидан ўша даврларда қизиллар мафкураси чизиғидан чиқолмай берган интервьюлари, йиғинларда ўз фикрини эмас, дунёқараши қолипларда қолиб кетган мафкура ходимлари томонидан "кўриб чиқилгандан" сўнггина баён қилган сўзлари ўтгандир.

-Майли, - деди Ҳожи бобо хаёлларини жамларкан, – аввал далаларни айланайлик, экинларни ўз кўзингиз билан кўринг, кейин ёзаверасиз.

Дала томон кетдик. Ҳамсуҳбатим сўзида давом қилади.

(Давоми 2-бетда)

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ

Аҳён-аҳёнда бўлса-да, оила аъзолари ўртасида учраб турадиган низою нифоқлар, уруш-жанжаллар, қариндош-уруғлар муносабатларидаги келишмовчиликларни кўриб, улар хусусида эшитиб, ўқиб турибмиз. Таассуфки, баъзан фожиали интиҳо топаётган бундай ихтилофлар ондасонда учраётган эса-да, барчамизни ҳушёр торт-

МЕҲРУ МУРУВВАТ - ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНИ

тирмоғи даркор. Ахир, "Бирники мингга, мингники - туманга", деган халқ нақли бежизга айтилмаган. Шулар ҳақида ўйлар эканман, муқаддас исломий манбаларимиз – табаррук Қуръони карим ҳамда Ҳадиси шарифлардаги ўгитлар ёдга тушаверади.

"Инсон ўз ота-онасига итоаткор ва меҳрибон бўлсин, деб васият қилдик!"

(Давоми 4-бетда)

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

Азим СУЮН

СОҒИНЧ ҚЎШИҒИ



Ассалому алайкум, отамдан қолган чорбоғ,
Ассалому алайкум, бобомерос ёнғоқзор.
Ассалому алайкум, жоналари қорли тоғ,
Туғилиб ўсган ерим, ассалому алайкум,
ассалому алайкум.

Қиррадор қояларнинг бағридаги тошкулбам,
Қалдирғоч уясидай турибсиз ҳамон-ҳамон.
Кенг дунёга йўллаган, о, суюмли бош кулбам,
Бир умр таъзимдаман, ассалому алайкум,
ассалому алайкум.

Бормисиз бургутларим, ошёнингиз омонми,
Осмонларда нима гап, чўққиларда не гаплар?
Сиз-чи, ҳей какликларим, сорлар ҳамон ёмонми,
Мўминнинг куни қурсин, ассалому алайкум,
ассалому алайкум.

Онам севган олмазор, шойидек тарам олма,
Тилим-тилим тарамсиз худди юрагим каби!
Онамнинг ёди ҳаққи, яшаб-яшнашдан толманг,
Онамнинг руҳи ҳаққи, ассалому алайкум,
ассалому алайкум.

Ў, менинг оқ булоғим, қани у қўшни қизлар,
Сувга чиқишларини мен қандай пойлар эдим.
Қайга кетди сочилиб сочингиздан юлдузлар,
Юлдузлар босган излар, ассалому алайкум,
ассалому алайкум.

Дунё кездим, айландим, тўрт тарафни бўйладим,
Лекин туғилган жойим, ўзбек юртим парчаси –
Қай нуқтада бўлмайин ўйларимдан қўймадим,
Излаб топганим ўзинг, ассалому алайкум,
ассалому алайкум.

Навбат - Ўзбекистон халқ шоири **Анвар ОБИДЖОН**га

КЕЛГУСИ СОНДА: ЭЗГУЛИКНИНГ ЭТАГИН ТУТИБ | ИЙМОН САЛОМАТ БЎЛСА... | ТЎТИ ОПАНИНГ ТЎТИЁСИ

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

АЁЛ ҚАТЪИЯТИ

Қумри хола елиб-югуриб дастурхон тузатишга киришган қизини ўтиришга ундади:

Жон болам, ҳеч нарса керакмас, овора бўлма! Ўтир, айланай, гапим бор.

Саодат ўтиргач, она дастурхон четига тикилиб қолди.

-Қизим, - дея тилга кирди анчадан сўнг, - мана, эрингнинг йили ҳам ўтди. Буёғи эшигимиз тагидан совчиларнинг ҳам қадами узилмай қолди. Ҳали ёшсан, энди...

Саодат онасининг гапини бўлиб ўрганмаганди. Бу гал ўзини тутолмади.

-Яна ўша гапми, ойи? Мен бу уйдан ҳеч қаёққа кетмайман. Қайнонамларга ҳам шундай дедим. Худога шукур, биттагина бўлсаям, қизим бор. Кўчада қолмасман!

Қизининг ўктам ва дадил гаплари онани ҳам бироз шошириб қўйди:

-Ахир, жоним болам, сенинг бахтингни ўйлаяпман. Отанг ҳам...

-Отамга ҳам айтинг, - яна гапни илиб кетди қиз, - мен бу уйдан ҳеч қаёққа кетмайман.

У илкис бошини кўтарди, деворга осиғлиқ аскар кийимидаги эрининг суратига кўзи тушди-ю, ўпкаси тўлиб кетди:

-Ойи, яна шу ниятда келадиган бўлсангиз, келиб ўтирманг, - у шундай дея ўкраб юборди, - Ахир қасам ич-ган-ма-ан!

Бемаврид ташрифи, ўринсиз сўзларидан пушаймон ея бошлаган она ўксиб-ўксиб йиғлаётган қизини овутишга сўз тополмас, унинг қатъияти, мустаҳкам иродаси олдида таслим бўлган эди.

Рустам ЖАББОРОВ

ДУОИБАД

У ёшлигидан соғилган сигир сутига сув қўшиб бозорда сотарди. Кейин айрон пуллашга ўтди. Сувда таъм бор, аммо айронда йўқ эди.

Бир амаллаб савдо техникумини тугатиб, кичик дўкондаиш бошлади. Дўконига келтирилган винога сув қўшиб, ҳеч нарса билмагандай сотаверди. Нарх-навонинг ошганини эшитиб, виждонида шўрва қайнади. Қоплардаги уннинг ўн килосини олиб, ўрта қисмига қурилишлардан ўғирлаб келинган албастер жойлади. Устига яна бир оз ун солди. Қўшни тумандан келиб, ун олган Хосият хола қораётган хамири қотиб қолаётганидан ҳангу манг эди. Қурилишда ишлаётган ўғлини чақириб, воқеани айтганда, у:

-Унни Мутал дўкончининг мақтовларига учиб олгандим. Албастер қўшибди, номард!- деди ғазаби қайнаб.

-Бир сўмлаб, бир сўмлаб йиққан пулимизга ун олиб, кўргилигимиз шуми?- деди Хосият хола хуноб бўлиб.

... Мутал дўкончининг эскирган гуручга туз қўшгани, ясама ароқлар тайёрлагани, қанд сотганда турли йўллар билан тарозидан уриб қолаётгани маълум бўлди. Дўконидан нарса харид қилганлар уни қарғардилар:

-Ҳа, уйинг куйсин!

-Илоҳо жувонмарг бўл!

-Ҳаром йўллар билан топганинг юқмасин!

Кунларнинг бирида ҳашамдор хонадонида тамаки тутатиб ўтирган ўғли Акбарнинг "Дада, ташқарига чиқиб чекинг" деган гапи ҳам қулоғига кирмади. Акбар эса жўралари билан ташқарига, футбол ўйнашга чиқди.

Орадан кўп ўтмай болалар чувиллашиб қолишди.

-Акбар, қара, уйларингизнинг устидан қоп-қора тутун чиқяпти,- деди қайсидир ўртоғи ваҳимали оҳангда.

Акбар "Ие", деганича ҳовли томон югурди. Қўшнилари уни ичкарига киритишмади. Ўт ўчириш бўлинмасига қўнғироқ қилиб, челак билан сув сепишга уриндилар.

Ўт ўчирувчилар келиб, фожеанинг олдини олишди. Аммо бошқа мудҳиш воқеа ҳам юз берганди. Ёниб турган тамаки ичкиликдан карахт Мутал дўкончининг қўлидан тушиб, кўрпага, уй полига ўтган, тутун уни янада карахт қилганди. Хонада олов ёнгач, катта қандил узилиб, Мутал дўкончининг нақ пешонасига келиб тушганди...

Эгам БЕРДИЕВ

ХАЛОСКОР ХАРСАНГ

Машина довондаги энг баланд тепаликка яқинлашган чоғда қоронғу тушиб қолган, боягина учқунлай бошлаган қор энди шиддат билан ёға бошлаган эди. Йўлнинг бир томони тубсиз жарлик бир ёғи бир-бирига мингашиб кетган баҳайбат ҳарсанглар... Ҳайдовчининг ҳам, йўловчиларни ҳам юрагида ваҳима ўрмалай бошлаган. Боягина бир-бирига латифа айтиб, кулишиб кетаётган ҳамсафарлар энди аллақандай кўркув исканжасига тушиб қолишган.

Сирпанчиқ йўлдан юқорига базўр йўрғалаётган машина ҳам тобора мадорсизлана борарди. Яна бир неча метрдан сўнг йўл пастга тушиб кетади. Бироқ тепаликнинг ўрта белига етмасдан машина бутунлай кўндан қолди ва орқага тисарила бошлади. Атрофни туман қоплаганидан бир қадам нарини ҳам кўриб бўлмайди. Эсхонаси чиқаёзган ҳайдовчи жонҳолатда тормозни босди.

-Жўралар, тормоз ишламаяпти, тамом?!!

Йўловчилар бутунлай эс-хушларини йўқотиб қўйишди. Ортга тисланаётган "Москвич"нинг тезлиги ошиб бормоқда, бир томон тоғу тош, бир томон – жаҳаннам, атроф зим-зиё...

Машинадагилар аллақачон жонларидан умид узган, ўзларини мана шу темир қутининг ихтиёрига топширишганди. Шу пайт машинанинг орқа буфери алланарсага қаттиқ тарақлаб урилдию, машина ҳам таққ тўхтади. Анчадан кейин ўзларига келиб, машинадан тушишган ҳамроҳларини "улов"ларини жар лабидаги тизза бўйи келадиган харсангга тиралиб турганини кўришди. Ҳамма ҳайрон, ҳеч бировлари ҳалокат чангалидан омон чиққанига ишонолмай турардилар.

Биринчи бўлиб тилга кирган кексароқ йўловчи титроқ овозда шивирларди:

- Ўзингга шукур, худойим, қудратингга тасанно! Шу харсанг бўлмаганида, ёхуд бир қадам нари-берида жойлашганида...

Ж.РУСТАМОВ

ҲОЖИ БОБО ЎЙЛАРИ

(Боши 1-бетда)

-Аслида фермер хўжалигимизда чорва маҳсулотлари етиштириш мўлжалланган бўлса-да, ўз ихтиёрим билан 2 гектар майдонда ғўза ўстираман. Пахтачилик сердаромад соҳа. Режадан зиёд маҳсулот топширсак, молимизга ем, ўзимизга ёғ оламиз. Ўтган йил ҳар гектар майдон ҳисобига 48 центнердан пахта сотдик. 550 минг соф фойда олдик. Шу ҳисобдан яна 20 тонна мол еми олдик. Ёғ оламиз. Мана, кўриб турганингиздай бу йил ҳам ғўзалардаги кўсаклар чакки эмас. Деҳқон қаттиқ ҳисоб-китоб билан иш юритиши керак. Харажат камаймаса, центнернинг юқори бўлганидан не наф. Таннархни арзон туширишнинг йўлини қиляпман. 70 бош қорамолимиз бор. Маҳаллий ўғитга алоҳида эътибор берамиз. Гўнгни махсус ҳовузчада устига сув қуйиб чиритаман. Йил бўйи тупроқ остида чириган гўнг қуввати ҳеч қайси минерал ўғитдан кам бўлмайди. Иккинчидан, бизнинг қумлоқ, тупроқли отизларга маҳаллий ўғит қанчалик кўп солинса, намни узоқ сақлайди. Кам суғориб, кўп ҳосил олиш мумкин. Омилкорлик бўлмаса, сув камчил йилларда қуруқ қолиш ҳеч гапмас.

Лекин мени фермерликка ундаган туйғу мустақиллик ва у яратган имкониятлардир. Қани эди, шундай имкониятлар йигитлик чоғларимда бўлса!

Ҳа, Исмоил отанинг ўзи айтганидек, у бор имконият билан меҳнат қилмоқда. 17 гектар майдондаги экинлар ривожи жуда яхши. Киши ихлос билан ишга берилса, албатта, уддалайди. Ахир меҳнатинг натижасини ўзинг кўрасан, қанчалик молмулкинг бўлса - ўзингники.

Ҳожи бобо хаёлини яна шўро тузумининг салбий жиҳатлари эгаллади. Раҳбар киши пули бўла туриб енгил машина ололмаса, каттароқ иморат қуролмаса, ҳатто тўйми, маърака ўтказишларигача назорат қилинади. Жанозада туролмайди. Бугунги замон бошқача. Чинакамига эркинлик даври. Ишлайман, деганга имкон бор. Мулкдор бўлишга ҳамма ҳақли. Фақат замон талаблари асосида ишлай билиш керак. Замондан сал олдинни кўра билган янада ютади.

Ҳозирда мавжуд "Қозоғистон", "Белорус" тракторлари ёнига қўлидан келса "Кейс", "Магнум" олмайдими, завод қурмайдими ўз ихтиёри.

Ҳожи бобонинг режалари улкан ва асосли. Сутни қайта ишловчи, консерва тайёрловчи кичик заводлар қуриш, қорамоллар зотини яхшилаш, 50 бошдан қўй олиб, шу соҳани ривожлантириш, ўзида тайёрланган маҳсулотлар билан савдо қилинадиган дўконлар барпо этиш.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан фермер хўжалиги аъзолари манфаатдорлигига бориб тақалди. 9 нафар ишчининг 7 нафари шартнома билан ишлашади. Маошлари вазифаларига қараб 10 мингдан 15 минг сўмгача. Бир маҳал иссиқ овқат бепул. Арзон нархда гўшт, ем, уруғлик учун дон олиб туришларини ҳисобга киритсак, нақд 20 минг сўмдан ошади.

Фермерни ўйлантирадиган муаммолар техника, эҳтиёт қисмлар, ўғит сотадиган дўконлар йўқлиги, шартнома бўйича топширган маҳсулотлари пулини ўз вақтида ололмаслигидир. Ўтган йил топширган маҳсулоти учун Урганч сут заводи ҳалигача 350 минг сўм пулини бермай келмоқда. Пахтаси учун 450 кг ёғини ололмаганлигини, баъзи масъулиятсиз раҳбарларнинг ишга тўсиқ бўлаётганлигидан, деб ўйлайди Ҳожи бобо. Шулардан бироз ташвиш тортади. Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасида олти ойлик якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишдаги барча танқидлари ўринли. Бу тўсиқларни Ҳожи бобо ўз фаолиятида кўриб, учратиб туради.

Умид шулки, мутасаддилар тегишли хулосалар чиқариб оладилар.

Холмурод ҚУРБОНОВ
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Гурлан туманида саноат корхонасининг фаолият кўрсатаётганлиги шу ердаги мавжуд ишчи кучларини меҳнатга жалб қилишда, кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда алоҳида аҳамият касб этаяпти.
СУРАТДА: чевар тикувчи Моҳира Авезмуродова.
Ш.АКРАМОВ олган сурат.

"ШАПКА"ЛИ ЎҒИТГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Нафақат одамлар, ҳатто ўсимликлар ҳам дори-дармонга муҳтож бўлиб қолди. Ваколатли мутахассисларнинг айтишича, агар кимёвий ўғитлар ишлатилмаса, тупроқнинг қуввати мўлжалланган ҳосилнинг зўрға йигирма фоизини етказиб берар экан. Шунинг учун, айниқса, кейинги йилларда бундай ўғитларнинг баҳоси кўтарилиб, бозори чаққонлашиб кетди. Бундай вазиятда таъминотчи ва тақсимотчиларга "худо беради".

Денов туман "Ҳазорбоғ" ширкат хўжалигининг ижарачи-пахтакори Омонжон Йўлдошев шундай дейди:

-Наврўзга уч кун қолганда, ўн олти ярим гектар майдонга чигит эккан эдик. Ер яхши тайёрланганлиги учун уруғ тўлиқ униб чиқди, кейин ўсиш ҳам яхши бўлди. Июн ойида ижарачилар ўртасидаги ўн минг сўмлик мукофот ҳам менга тегди. Аммо июннинг охири, июлнинг бошига келиб даладаги ғўзалар очликдан, ҳа, очликдан силласи қуриб қолди. Чопиқлар фойда бермади – азот йўқ. Йўқ эмас – бор, аммо бизга тегмайди... Қа-анча елиб-югуришдан сўнг "Хўжаликнинг Хайроободдаги ўғит омборига азот келипти", деган хабарни эшитиб югуриб бордик. Азотни тақсимлайдиган бош агроном И.Саидаҳмедов "Йигирма беш фоиз "шапка"си бор, ҳар тоннасидан икки юз эллик килодан ташлаб кетасизлар!" деди. Ижарачиларнинг ҳаммаси "бу қандай гап?" деб ғувуллашиб қолди. Биронтаси ўғитга қўл урмади.

НАҲОТКИ?

Шунда мен ўйладим: "ғўзам оч ётса, бунинг устига шона ташлаётган бўлса, беш юз килограмм азотни юзига бориб ўтирсам, ҳосилнинг қолгани ҳам тўкилиб кетади, шунинг учун қўлга текқанини олайин!" дедим. Мен: "майли, "шапка"си бўлса ҳам оламан" деб азотни халталай бошлаган эдим, "шапка"ни кўз қиймай ўтирган бошқа пахтакорлар ҳам ўғитга ёпирилиб кетишди. Олиб келган ўғитим пахтанинг ҳаммасига етмади, бир далани озиқлантирмасдан суғориб юбордим. Айтинг, шундай шароитда шартномани бажариб бўладими? Ҳадемай пахта терими бошланади, аммо биз шартномада кўрсатилган ўғитнинг ярмини ҳам ололганимиз йўқ...

Айтмоқчи, Омонжон ака "шапка"ли ўша азотни даланинг бошига олиб келиб элаган эди, ичидан худонинг... кў-ўп тош, қуми чиқди. Қум... майда бўлганлиги учун уни ажратиб олишнинг иложи бўлмади.

Туриб-туриб Омонжон аканинг хўрланган одам сифатида жаҳли чиқди ва ҳамма гапини икки варақ қоғозга битиб, туман ҳокимлигида пайдо бўлди. Зудлик билан ошиғич равишда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг "донгдор" раҳбарларидан бири Саиджаҳон Маҳмедов бошлиқ ажойиб бир ҳайъат Омонжон Йўлдошевнинг даласига етиб келди. Яқин ойлар ичида, албатта, азот келади, бо-ошидан сизга берамиз, аммо "шапка" ҳақидаги гапларни биздан бошқа ҳеч кимга айтманг, прокуророларнинг қулоғига етса, ҳаммага ташвиш бўлади", дейишди.

-Бўлмаса ўша... "шапка"ни қайтариб беринглар, - деди ижарачи. Ваъда қуюқ бўлган эди, лекин ҳамон "шапка"дан дарак йўқ!..

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бектўра Абдукаримов 16 йилдан буён шоличилик билан машғул. У меҳнат қилаётган Сирдарё туманидаги "Шоликор" ширкат хўжалиги жамоаси жорий йилда 2267 гектар ерда деҳқончилик қилиб, гектаридан 45-47 центнердан ҳосил олишни режалаштирган. Бунда тажрибали Бектўранинг ҳам улуши бўлиши тайин.
СУРАТДА: Б.Абдукаримов шоли даласида.
Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ...

Чортоқ туманидаги "Балиқчи мозор" деб номланадиган зиёратгоҳ собиқ шўро даврида харобага айлантирилган эди.

Яқинда ушбу табаррук қадамжода 25 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди ва қайтадан обод масканга айлантирилди. Бу ердан абадий қўним топган марҳум аллома Султон Увайс Қароний қабри устида шарқона мақбара бунёд этилди.

Рустамжон УММАТОВ

ҚОРАҚАЛПОҚ БОЛАЛАРИ АНДИЖОНДА

Балиқчи туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли оромгоҳда айни дамда 401 нафар болажонлар ёзги таътилни мароқ билан ўтказмоқдалар.

Улар орасида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Кегейли, Мўйноқ, Тўрткўл туманларидан келган 77 нафар ўғил-қизлар ҳам бор.

Ҳозир оромгоҳда концертлар, таниқли кишилар билан учрашувлар ва бошқа турли хил кўнгилочар тадбирлар уюштирилмоқда.

Азаматжон МАҲМУДОВ

"СИНДБАД" МАТОЛАРИ

Бундан уч йил аввал Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли ширкат хўжалигида "Синдбад" тикувчилик фабрикаси очилиб, оқ матолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди.

Куни кеча фабрикада яна бир қўшимча цех фойдаланишга топширилди. Айни дамда 155 нафар кишидан иборат жамоа рангли матолар ҳам тайёрламоқда.

Латифжон МАНСУРОВ

ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Боши 1-бетда)

Вилоятда сўнгги пайтда тармоқни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, йилнинг биринчи ярмида вилоятда 2813 нафар фермер хўжалиги ва уларнинг 35613 гектар ери бўлган бўлса, ҳозирда фермерлар сони 3486 нафарга етиб, улар деҳқончилик қилаётган майдон 43953 гектарни ташкил этмоқда. Шунга мутаносиб равишда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бошоқли дон етиштириш 22827 тоннага кўпайди. Давлат фарғоналик фермерлардан улуғ тўй йилида 30840 тонна сара дон қабул қилиб олди. Шартнома режаси ортиғи билан бажарилди. Шунингдек, гўшт, сут, тухум етиштириш борасида ҳам арзигулик муваффақиятларга эришилди. Сўнгги пайтда вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллиги ва унинг тумандаги шаҳобчалари қошида тузилган кооперативлар, муқобил МТПлар кўмагида 33 дона ҳайдов ва чопиқ тракторлари интиҳзли лизинг асосида сотиб олинди. Машина трактор парклари тасарруфидаги 89 та ҳайдов тракторлари баланс баҳосида фермер хўжаликларига ўтказиб берилди.

Вилоятда, шунингдек, эл-юрт дастурхонини тўкин қилишнинг муҳим омили – деҳқон хўжаликларига катта ғамхўрлик кўрсатилаётир. Бугунда Фарғонадаги 65 минг 397 гектар ердан унумли фойдаланаётган 521 минг 175 нафар деҳқон хўжалиги сохиблари етиштираётган турфа хил ноз-неъмат маҳсулотлари маъмурчиликка жуда катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Вилоят вакиллиги ва унинг қуйи вакилликларида юқори малакали, етук мутахассислар ишлашади. Улар фермерларга нима ва қандай ёрдам кераклигини олдиндан билишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий билимларини оширишга алоҳида аҳамият берадилар. Вакиллик қошидаги "Кредит иттифоқи", "Ҳуқуқий марказ", "Маслаҳат хизмати иттифоқи" фермерларнинг энг яқин кўмакчисига айланган. Вакиллик қошида нашр этилиб, бугунда бутун водийга тарқалаётган "Ер ва эл"газетаси эса деҳқон ва фермерларнинг энг яқин маслаҳатгўйи ва ҳимоячисидир.

Кўргазмали семинар қатнашчилари Ёзёвон туманига боришди. Бу туманда ўтган йили бор-йўғи 94 нафар фермер фаолият кўрсатган бўлса, эндиликда улар сони 526 нафарга етиб, 8294 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Фермер хўжаликларида 3041 нафар ишчи меҳнат қилади. Бугунда чўл туманида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 50 фоизидан зиёди фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Анжуман қатнашчилари Олтиариқ туманида ҳам бўлишди. Бу туманнинг кичигидан каттасигача томорқадан унумли фойдаланади, уй чорвасини маҳкам тутади. Бодрингни оламни тутган. Олтиариқ "келинчак бармоқ" узумини емабсиз, дунёга келмабсиз. Бу ерда ҳовлисининг кўча томонида ишкоми йўқ, бир сотих сўрито-қдан бир тонна ҳосил олмайдиганларни боғбон ҳисобламайдилар. Жўраклик тадбиркор Маҳмуджон Ҳайдаров ўзи ва ҳамкишлоқлари етиштирган ҳусайни узумини Ҳиндистон бозорида сотмоқда. Янгиараблик яна бир тадбиркор Эронга карам олиб борган бўлса, ўзга бир ишбилармон турпни чиройли сувқоғозга солиб, Олмонияга сотмоқда. Шу кеча-кундузда ўнлаб "Мерседес"лар Россия бозорларига узум ташимоқда. Бугун Олтиарикда деҳқон хўжаликлари сони 31700 нафарга етган. Ўтган йили деҳқон хўжаликлари етиштирилган маҳсулотнинг 2 миллиард сўмликдан зиёдроғи мамлакатимиздан ташқарида сотилди. Шу йилнинг олти ойида эса четга чиқарилган маҳсулот 13 минг тоннадан ошди, бунинг умумий баҳоси 1,7 миллиард сўмга етади.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги қошида деҳқон хўжалиги эгаларига қулайлик яратиш мақсадида декларация бўлими ташкил этилган. Шунингдек, бу ерда давлат карантин инспекцияси, давлат стандарти ва сертификациялаш инспекцияси, экспертиза шоҳобчалари ҳам мунтазам ишлаб туради. Ўз томорқасида етиштирган маҳсулотини четда сотишни истаган деҳқон ёки боғбон аввалгидек "ҳужжат" тўғрилаш учун ҳафталаб идорама-идора юрмайди. Эндиликда бундай зарурий ҳужжатни қўлга олишга узоғи билан 2 соат кифоя қилади.

Кўргазмали семинарнинг якунловчи қисми ҳам Олтиарикда бўлиб ўтди. Унда республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси А.Бобомирзаев республика Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида 2001 йил 17 июлда ўтказилган "2001 йилнинг биринчи ярим йиллигида Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш тўғрисида"ги мажлисда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Вакиллик раҳбарлари, илғор фермерлар ўзаро тажриба алмашдилар.

Ортиқали НОМОЗОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ҲИСОБОТ ЭМАС, АМАЛИЙ ИШ КЕРАК

(Боши 1-бетда)

Ёки ширкат хўжаликларининг пай гувоҳномаларини тарқатишини олайлик. Бу ишни ҳам аксарият хўжаликлар атайин пайсалга солмоқда. Масалан, Пастдарғом туманидаги Н.Козимов номли хўжалик мана қарийб бир ярим йилдан буён ўз аъзоларига пай гувоҳномаларини бермай келаётир. Атиги 199 кишига ёзилган пай гувоҳномаси идора сандиқларида чанг босиб ётибди, 239 таси эса ҳатто тўлдирилгани ҳам йўқ. Ислоҳотларнинг оёғига тушов бўлаётганлар фаолиятини кузатиб, агар уларга ҳавони тақсимлаш ҳуқуқи бериб қўйилса борми, жамоа аъзолари нафас ололмай қолиши тайин деган хулосага келасан киши.

Бўстонлиқ тумани "Бўстонлиқ" ширкат хўжалигидаги "тақсимот" эса жуда ғаройиб. Жами мулкий пай гувоҳномалари 371 бўлгани ҳолда хўжалик раҳбарлари улардан 161 тасини нафақахўрларга тақсимлаган. Ваҳоланки, қонуний жиҳатдан нафақахўрларга ажратиладиган пай гувоҳномалари 10 фоиздан ошмаслиги лозим. Буни мутасаддилар ёки ёдларидан чиқарганлар ёхуд онгли равишда "саховат" кўрсатишган. Бундан бошқача яна қандай сабаб бўлиши мумкин? Энг ажабланарлиси хўжаликда 10 нафар бош пудратчи (бригадир деб бўлмайди-да) лавозими жорий қилиниб, уларга ойига 12440 сўмдан иш ҳақи белгиланиб, бериб келинаяпти.

Каттақўрғон туманидаги "Каттақўрғон маскаси", Булунғур туманидаги "Мингчинор", "Дўстлик" ширкат хўжаликларидаги аҳволни кўриб эса куларингизни ҳам, куярингизни ҳам билмай қоласиз.

Пай гувоҳномаларини сақлаб турганидан ташқари "Каттақўрғон маскаси" раҳбарлари ҳануз 14 нафар бригадир ва 5 нафар табелчига маош тўлаб турибди.

Бу хўжаликларда ҳатто чек дафтарчалари ҳам ўлда-жўлда юритилмоқда.

Чек дафтарчаси – бу пудратчининг хўжалик билан молиявий муносабатини белгиловчи ҳужжат. Агар у татбиқ этилса, бригадир, хўжалик раҳбарлари улушсиз қолиши тайин. Шунинг учун ҳам хўжалик юритишнинг бу шаклига қаршиликлар кўп бўлмоқда. Пудратчиларимизнинг иқтисодий, ҳуқуқий савияси ўсишига йўл берилмаяпти.

Айримлар эса "пудратчилар чек дафтарчасини ишлата билмайдилар, уларга кўмаклашиш учун бош пудратчи белгиланган" деган баҳонани рўкач қилишмоқда. Бунга ишониб бўлмайди. Чунки пудратчига харажатлар кўрсаткичи берилса, у қанча ўғит олганини ёки техникадан қандай фойдаланганини ёза билади. У билан ички шартномалар пухта тузилса кифоя.

Биз жамоани ширкатга айлантирдик. Хўш, нима ўзгарди? Ширкат хўжалиги афзалликлари жуда кўп, лекин юқорида келтирган мисолларимиздан ҳам маълум бўлмоқдаки, янгиликларга, ислоҳотларга ошкора тўсқинликлар учрамоқда. Бу деҳқоннинг ислоҳотларга ишончини, ишга ғайратини сўндираётир. Йўқса, тавсиялар берилишию, ўнлаб кўргазмали анжуманлар, ўқувлар ўтказилишига қарамай пудрат, ички шартномалар, пай, чек, дивиденд кабилар узвий боғланиб ишлаб чиқариш занжири мустаҳкам бўлур эди.

Бугун деҳқон бу занжирнинг барча бўғинларида тўсиққа учрамоқда. Оила пудрати, пай, чек афзалликларини одамлар кўрмаяпти. Оқибатда қишлоқ хўжалигида самарадорлик, ўсиш паст даражада. Жойлардаги хўжалик ва туман раҳбарлари 1 гектар ерга кетадиган харажат, келадиган даромадни ҳам билишмайди.

Яқинда пойтахтимизда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишида мана шулар хусусида гап борди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларда асосий эътибор ҳисоботларга эмас, ислоҳотларнинг кечишига қаратилди. Эндиликда чек дафтарчалари мутасаддилар чўнтагидан, идоралар сандиғидан пудратчига ўтиши лозим. Агар хўжалик юритишнинг ширкат шакли тўғри йўлга қўйилса, пудратчи ва раҳбарият ўртасидаги муносабатлар тизими ишласа, деҳқоннинг ишида ҳам, моддий манфаатдорлигида ҳам унум, барака бўлади. Бунинг учун пудратчилар билан ички шартномаларни йил бошидаёқ тузиш керак.

Шунингдек, боғ-роғларни ижарага бериш борасида ҳам ишлар мақтанарлик даражада эмас. Бу борада айниқса, Наманган, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Қашқадарё каби вилоятларда ишлар суст кетмоқда.

Бугун давлатимиз раҳбарияти қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида жонбозлик кўрсатаётган, аҳли деҳқон манфаатдорлигини оширишга ҳаракат қилаётган экан, ўрта бўғин раҳбарлари ўз фаолиятларида кескин бурилиш ясашлари даркор. Зеро, уларнинг лоқайдлиги ортидаги "мақсадини" халқ кўриб-билиб турибди.

Тоҳир ДОЛИЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ДАВР

"Ўздавуруғназоратмарказ"да 2002 йил мавсуми учун уруғлик майдонларида ғўза апробациясини ўтказиш ва сифатли уруғлик захирасини яратишга бағишланган республика кўргазмали семинар кенгаши бўлди.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ТАШВИШИ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари вакиллари, пахта уруғчилиги бирлашмалари раислари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этдилар.

Йиғилишда бугунги айрим пахта навларининг сифати талабга тўла жавоб бермаслиги тўғрисида атрофлича фикр юритилди. Мамлакатимизда қурғоқчиликка чидамли, истиқболли ғўза навларини яратиш бугунги кун талабидир. Бу борада шу куни тегишли ташкилотларга кераклича тавсиялар, кўрсатмалар берилди. Ўз навбатида келгуси йил ташвишини, албатта, ҳозирдан ўйлаш лозимлиги таъкидланди.

А.КАМОЛИДДИНОВ

БОЗОРДА НАРХ-НАВО ҚАНДАЙ?

Шаҳарлар	Картошка	Сабзи	Пиёз	Бодринг	Помидор	Гуруч	Мол гўшти	Қўй Гўшти	Сут (литр)	Тухум (дона)
Тошкент	135	125	110	75	75	425	1450	1650		55
Андижон	100	80	80	100	25	300	1200	1500	120	45
Наманган	75	55	50	75	20	365	1100	1400	70	46
Фарғона	85	60	52	75	52	425	1350	1750	90	47
Самарқанд	75	70	60	45	38	425			110	40
Жиззах	103	115	45	80	65	425	1250	1500		40
Гулистон	103	65	43	70	53	375	1500	1600	85	43
Термиз	100	100	50	70	50	450	1100	1500	100	35
Қарши	70	75	40	55	45	450	1200	1500		37
Бухоро	85	50	65	103	45	385	1150	1050	95	34
Навоий	105	50	50	100	50	450	1100	1075	100	37
Урганч	88	118	68	138	65	340	1000	1100	90	35
Нукус	125	48	75	113	53	415	1000		88	38

Ушбу маълумотнома Европа Кенгашининг ТАСИС Программаси доирасида қишлоқ хўжалик маркетинг информация системаси ва экспериментал қишлоқ хўжалик улгуржи бозори проекти томонидан республика вилоятларидаги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрланган.

СИРДАРЁ: МАВЖЛАРИДА ОЗОДЛИКНИНГ ЯНГРОҚ КУЙЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Вилоятда шўрланмаган, тоза ерлар суғориладиган майдоннинг 1,5 фоизини (ўтган йилда 1,7 фоиз) ташкил этади. Бу йил кучли шўрланган 23213 гектар майдон - 9,4 фоиз (бултур 22395 гектар) ҳисобдан чиқарилди. "Ўсиш" суръати шу тарзда давом этса, яқин йиллардаги манзарани тасаввур қилиш қийин эмас.

-Табиат хуружи олдида қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ,- дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг муовини Аваз Мустанов, -ҳар йили давлат бюджетидан янги ерлар ўзлаштириш, суғориладиган майдонларни қайта тиклаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, канал ва зовурларни қайта таъмирлаш режалари тўла бажарилаяпти. Масалан, ўтган йил 80 гектар (топшириққа нисбатан-100%) янги ер ўзлаштирилди, бу йил кўрсаткични 150 га етказамиз.

-Бугунга келиб мелиорация бўйича техника билан таъминлашнинг даражаси 50 фоиз атрофида,- дейди вилоят гидрогеология мелиоратив экспедицияси бошлиғи Раҳим Абдураззоқов. -Бироқ ерни гулдек парвариш қилишни эпақага олиб келаётган деҳқон мавсумга даласини майиздек тахтлаб қўйишнинг йўлини қилаяпти. Бизда омилкор, ернинг тилини биладиган кишилар кўп.

Айни пайтда вилоятда 2001-2005 йилларда хўжаликлардаги ерларнинг ҳолатини яхшилаш дастури ишлаб чиқилган. Унинг талаблари босқичма-босқич бажарилиб борилаяпти. Дунё жамоатчилиги ҳам Сирдарёнинг тажрибаларини ўрганиш, қўллаб-қувватлаш мақсадларини кўзлаяпти. Осиё тараққиёт банки Оқ олтин тумани учун 72 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратди.

ХОВОСГА – ҲАВАС

Ҳар бир ҳудуднинг мавқеини тайин этадиган, ўсиш-улғайиш салоҳиятини белгилайдиган ўрамлар бўлади. Таъбир жоиз бўлса, Ховос туманини Сирдарё вилоятидаги ана шундай залворли карвонга ўхшатиш мумкин. Туманда истиқлол йиллари халқ хўжалигининг барча тармоқлари: агросаноат мажмуини ривожлантириш; қурилиш ва ободончилик, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий соҳаларни тараққий эттириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Пурвиқор тоғлар нигоҳи тушиб турган, бир чети азим сайхонликларга туташиб кетган ҳудуд бугун ўзининг файзи, ободлиги билан ҳамманинг ҳавасини қўзғамоқда.

-Республикамиз раҳбариятининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли туманда газлаштириш – 98 фоизни, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш – 95 фоизни ташкил этди, - дейди ҳоким Рустам Турдиев. – Бундай муносабат одамларимизда меҳнатга иштиёқ, эртанги кунга ишончни кучайтирмоқда.

Эришилган баъзи ютуқларни рақамлар тили билан ҳикоя қилайлик. Ўн йил давомида давлатга ғалла сотиш қарийб 20 баравар кўпайиб, 400 тоннадан 8080 тоннага етди. Бу йил 13 минг тонна ғалла ишлаб чиқарилди. Пилла ишлаб чиқариш 12,3 тоннадан 18,8 тоннага ўсди. Пахтачиликда ҳам кўрсаткичлар ўсиб борди ва ўн йил давомида 13,7 тоннадан 16 минг тонналик марра эгалланди. Бугунги кунда 230 фермер туманда етиштирилаётган жами маҳсулотнинг 25 фоизини ишлаб чиқармоқда. "Нур", "Камолиддин", "Раббим", "Саттор", "Шуҳрат" фермер хўжаликларининг иши ҳар томонлама намунали ташкил этилган.

Туман марказидаги 5 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ (қиймати – 12 миллион сўм), теннис корти (3 миллион сўмлик), "Бахт уйи" (15 миллион сўм сарфланган), шунингдек, кўплаб маъмурий бинолар фидокорона меҳнат туфайли яратилган турмуш тарзига зеб бўлиб, шаҳарни безаб турибди.

Бир томони қўшни Тожикистон билан 70 километр узунликдаги чегарада жойлашган Ховос туманида тинчлик ва осойишталикни эъзозлаб, бунёдкор, яратувчан меҳнат давом этмоқда. Унинг самаралари истиқлолимизга чинакам шукронадир.

ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН

Сирдарё туманидаги "Синдоробод" иссиқхона хўжалигида Исроилнинг "Нетафим"-фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган томчилатиб суғориш ускунаси ўрнатилди. Лойиҳа 880 минг АҚШ доллари қийматига эга. Айни пайтда 8 гектар майдонда помидор, бодринг етиштирилди, 750 тонна маҳсулот олиш мўлжалланган. Унинг 50 фоизини Россиянинг Томск шаҳрига етказиб бериш ҳақида шартнома тузилган.

Бирлашган Араб Амирлигидаги "Ибраком ФЗЕ" фирмаси билан ҳамкорликда Сайхунобод туманида контейнерлар учун майдонча қуриш, мавжуд биноларни қайта тиклаш (консигнация омбори ташкил қилиш, логистика хизматлари кўрсатиш бўйича) ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Қўшма корхона шу йилнинг 1-чорагида 238,5 минг АҚШ доллари миқдорида хизмат кўрсатди.

Йил охиригача низом жамғармаси 170 минг АҚШ доллари қийматида Мирзаобод туманидаги "Деҳқонобод" фермер хўжалиги қошида карамель маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Шоҳ Жаҳон" Ўзбекистон-Сурия қўшма корхонаси ишга туширилади.

Шунингдек, кўплаб чет эл фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар тузиш юзасидан ҳужжатлар тайёрланган.

ОТАЛАР СЎЗИ – АҚЛНИНГ ЎЗИ

Янги ерларнинг ўзлаштирилиши кўплаб кишилар ҳаётида янги саҳифалар очгани сир эмас. Бу ерга собиқ Иттифоқнинг ҳамма бурчакларидан одамлар ташриф буюрганди. Ўша пайтда Ўзбекистонда нечта миллат вакили учраса, ҳаммаси Сирдарёда бор, деган гап юрарди. Ҳозир ҳам шундай. Хуллас, чўл одамларнинг тақдирини ҳам туташтириб юборди. Ҳамма ўз қиёфаси, урф-одатлари, тилини сақлашга ҳаракат қилса-да, йиллар ўтган сари қайсидир жиҳатлар бир-бирига ўхшаб, умумийлик касб этиб борди. Шундай қилиб, бу жойларда ўзига хос фазилатларга эга бўлган "сирдарёликлар" пайдо бўлди.

Муҳиддин Нуъмонов – сирдарёликларнинг бири. Хеш-ақраболари асли Ўратепа томонлардан бўлган отахон Гулистонда туғилиб, улғайганини ифтихор билан қайд этади. 75 ёшни қоралаб қолган Муҳиддин отанинг болалиги осон кечмаган. Бироқ ирода ва ҳаракат билан кўп нарсаларга эришди. 27 ёшида районнинг биринчи раҳбари бўлди, чўлқуварлар катта идорасида ҳам 27 йил биринчи раҳбарлардан бўлиб ишлади. Хўжаликларни бошқариб, уларни машъал даражага олиб чиқди. "Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди" илмий даражасини қўлга киритди, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" унвонига лойиқ кўрилди. Айни пайтди шаҳар оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси.

Ҳар қандай ёш ҳавас қилса арзийдиган ҳаёт йўлини босиб ўтган отахон билан, асосан, ҳозирги ёшлар ҳақида суҳбатлашдик.

-Халқда "Куш уясида кўрганини қилади", деган нақл бор,- деб суҳбатини бошлади у саволимизга жавобан. –Фарзанд тарбияси учун юз фоиз ота-она жавобгар. Бу талабни Президентимиз қайта-қайта таъкидлаяптилар ва шунга мувофиқ "Соғлом авлод йили", "Оила йили", "Оналар ва болалар йили" сингари тадбирлар ўтказилиши бежиз эмас. Отаонанинг масъулиятини ошириш керак. Одам ҳеч вақт моддий муҳтожликдан ёмон йўлга кирмайди, агар унинг тарбияси бут бўлса, ҳалол йўл билан тирикчилик ўтказиш йўлини излайди. Мен зоғора нонга тўймаганман, бироқ тарбиянинг кучи билан ўзимни сақлаб қолдим-ку. Баъзи ота-оналарга ҳайрон қоламан, болаларини жиловлай олмайди, етаклаб далага олиб чиқиб, қовун экмайди, деҳқончилик қилдирмайди...

-Далага чиқиш учун ер олиш керак, унинг эса ўз тартиблари бор. Шу, одамларимиз уқувсизроқми, дейман. Тадбиркорлик учун кенг йўл очилди, ҳали ҳам шунга киришиб кетилгани йўқ, аксинча, осмондан чалпак ёғишини кутиб юрганлар кўп-да.

-Одамларни уқувсиз, дедингиз. Фақат бу эмас, оёққа тушов бўлиб ётган кўплаб иллатлар бор. Тарихга назар солинг, бизнинг отабололаримиз қачон эркин кун кўрган? Ўша қуллик, мутеъликнинг асорати ҳар биримизда бор. Биз шулардан қанча тез халос бўлсак, тараққиётга шунча эртароқ эришамиз.

Мен сизга бир нарсани айтай. Ҳозирги жараённи ҳар биримиз таҳлил қилиб, дунёқарашимизга ўзгаришлар киритиб боришимиз керак экан. Фикр қуллиги тушунчаларимизни ҳам кишанлаб ташлаган экан.

-Умуман, ҳозирги ёшлар сизни қониқтирадими?

-Биз ҳоҳлаймизми, йўқми, болалар оталардан кучли бўлади. Ўсиб келаётган ва поёнига етаётган икки кучни муқояса қилиб бўладими? Шубҳасиз, юртимиз ёшлари ҳам маълумот, тушунча, билим нуқтаи назаридан олдинги авлоддан кучли, аммо ёшлик бир чети ғўрлик ҳам-да. Бўлмаса, дўст билан душманни фарқига бормайдими? Ҳозирги шароитда ёшлар тарбиясида бир зум ҳам ғафлатга берилишга ҳаққимиз йўқ. Ёшларни жиловлашга ҳаракат қилгандан уларни етаклаш, бошқариш йўлидан борилса, яхши бўлармиди?

Бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган отахонлар, онахонлар бугун ёшларнинг раҳнамоси, маслаҳатгўйи. Сирдарёда ҳам худди шундай. Яқинда бўлиб ўтган сайловларда бу мезон яна бир марта кун тартибига қўйилди, обрўли қайвониларга ишонч билдирилди. Вилоятда ёшлар тарбияси доимий эътиборда эканини сухбатдошимизнинг ҳаётий мулоҳазаларини тинглаб яна бир бор ҳис қилдик.

XXI АСР ДАРАКЧИЛАРИ

Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей биносига қадам қўйишингиз билан қайфиятингиз ҳам, таассуротингиз ҳам кескин ўзгара бошлайди. Бор гап, бу жой гуваладан, ҳатто пишиқ ғиштдан тикланган, йиллар давомида қайта-қайта бўялавериб ранги ҳам чапланиб кетган, салқингина-ю, зах иси келиб турган, бунинг устига ёш болага катта телпак кийдириб қўйилгандек зирхли тунукага номи баландпарвоз муҳрланган кечаги билим маскани эмас, балки замонавий, дунёда қабул қилинган энг сўнгги талабларга жавоб берадиган академик илм қошонаси эди. Айланиб, ўқув хоналари, ётоқ жойларни кўздан кечирдик. Ҳақиқатан, янгилик, ҳали бунақаси бўлмаган. Ўқитиш, таълим мазмуни ҳам бутунлай янгича, боланинг бор табиий қобилиятини юзага чиқаришга, ижобий фазилатларини ривожлантиришга қаратилган. Ҳар қандай ота-она фарзанди ана шундай даргоҳда таълим олишини орзу қилса керак.

Бу жой бизга янги асрнинг нафасини олиб келгандек бўлди. Вилоятда эса парвозга шайланган ва аллақачон ўзини кўрсатишга улгурган янги аср ёшлари кўп. Биз улардан баъзилари билан суҳбатлашдик.

Умид Аҳмедов, қўл кураши (армрестлинг) бўйича уч марта жаҳон чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи:

-Спортнинг бу тури билан шуғулланишим бежиз эмас, оёқларим яхши ишламайди. Умидсизликка тушмадим, ҳаётда ўз ўрнимни топишга интилдим. Телевизор орқали қўл курашидан хабар топгач, шуғуллана бошладим. Қурбон Конишев, Фикрат Керимов каби устозлар ёрдам беришди, ҳомийлар қўллаб-қувватлашди. Қўл кураши спорти нисбатан янги, мен туғилган 1978 йилда америкалик Армреслинг томонидан биринчи расмий мусобақа – жаҳон чемпионати ташкил қилинган. У жуда тез оммалашиб бораяпти. Мен Қоҳирада (1998 йил), Владикавказда (1999 йил), Вержинияда (АҚШ, 2000 йил) ўтказилган баҳсларда чемпионликни қўлга киритдим. Ҳозирда Осиё қитъасида ягона чемпион – ўзим.

Кристина Сурганова, рақҳоса, "Мукаррама Турғунбоева номидаги ёш рақҳосалар кўрик танлови - 2001" совриндори:

-9-10 ёшларимда Гулистонга кўчиб келдик. Отам - ҳарбий, онам – косметолог. Ўзбек мусиқаси билан тасодифан "дўстлашиб" қолдим. Ўйда ёлғиз қолганимда радиони қўйиб, оҳангларга ўйинга тушардим. Ҳаракатларим маъқул тушди, чамамда, отаонам 1-болалар мусиқа мактабига беришди. Шу ерда рақснинг чинакам оламига қадам қўйдим. Ойша опамнинг устоз бўлиб келиши менинг бахтим бўлди. Орзуимдаги энг буюк рақҳоса – Тамарахоним, Рушана Султоновага ҳавас қиламан. Ўзбек рақслари жон-дилим, бироқ тарбиянинг кучи билан ўзимни сақлаб қолдим. Баъзи ота-оналарга ҳайрон қоламан, болаларини жиловлай олмайди, етаклаб далага олиб чиқиб, қовун экмайди, деҳқончилик қилдирмайди...

Ойшахон Айтмагамбетова, балетмейстер, "Ўзбекрақс" вилоят бўлими раҳбари:

-Кристина сингарилар табиатан яратилади, у сўзсиз туғма истеъдод эгаси. Рақҳоса бўлиш учун нима керак бўлса: чиройли қад-қомат, эшитиш қобилияти, нозик ҳаракат - ҳаммаси унда етарлича мавжуд. Кўрик танловда ижро этилган "Муножот", "Она қалби" рақсларини мухлислар ҳаяжон билан кутиб олдилар. Рус қизининг ўзбек рақсларини бунчалар маҳорат билан ижро этиши чинакам мўъжиза.

Гуруҳимизда 23 нафар истеъдодли қиз шуғулланади. Умумхалқ байрамларида миллий санъатимиз сеҳридан томошабинларни баҳраманд қилиб келаётганимиз – бахтимиз. Қизларимизнинг сардори – Кристина, унинг келажаги порлоқ.

"УЙҒОҚ ЮРАГИМДА ЯШАЙСАН, ВАТАН"

Сайхунобод туман спорт қўмитаси раиси Алишер Ортиқов шашка бўйича Ўзбекистоннинг беш марта чемпиони. Кўз-кўз қилса арзийдиган натижа. Шунингдек, Анвар Кўчмуродов, Владислав Ким, Анастасия Королёва сингари мухлисларга яхши таниш спортчилар ҳам Сирдарёда яшашади.

Ўтган йил вилоятда 6119 та янги иш ўрни яратилди. Бу мустақилликнинг дастлабки йилларидагидан 7 баравар кўпдир. Квоталанган, яъни банд қилинган иш ўринларига 4442 киши жойлаштирилди. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга 860,2 миллион сўм нафақа пули тарқатилган.

Вилоятда 14 та туман маданият бўлимлари ва шунча мусиқа ва санъат мактаблари, 102 та клублар, 197 та кутубхоналар, 9 та халқ ҳаваскорлик жамоалари фаолият кўрсатмоқда. 398 бадиий жамоада 6232 иштирокчи қатнашади. Кутубхоналарда 1931 минг дона китоб фонди мавжуд.

Мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан "Уйғоқ юрагимда яшайсан, Ватан" шиори остида мунозаралар, шеърият байрамлари ўтказилмоқда.

Ҳар йили вилоят ижодкорларининг ўнлаб китоблари нашр этилади. Бу йил икки ижодкорнинг китобини чоп этишди. Гулистон шаҳар ҳокимлиги ҳомийлик қилмоқда.

14 та ўйингоҳ, 239 та спорт залларида 89 спорт усталигига номзод, 13 та спорт устаси, 3 нафар халқаро спорт устаси ўз маҳоратларини ёшларга ўргатмоқдалар.

ҚАМАРИСТОН – ОЙ ШАҲРИ

Сирдарё тумани ҳудудига кираверишда кўзга ташланмайдиган бир жой бўларди. Уни хўрлайдиган тарзда "Камаргородок", гоҳ "Камаринский" деб аташарди. Вилоятда биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Ўктам Исмоилов кенг ҳажмли ободончилик ишларига бош-қош бўлди. Фақат марказ эмас, одамлар истиқомат қиладиган ҳамма жой деярли қайтадан қурилди. Жумладан, "Қамаристон" номи билан мўъжаз шаҳарча пайдо бўлди. Бугун Сирдарёда бўлсангиз, албатта, ҳусни ойдан нусха олинган бу гўшани сизга кўрсатишади, равон кўчалар, маъмурий бинолар, турар жойлар, яхши умид билан қадалган кўчатлару гулзорларни кўз-кўз қилишади.

Бу йил Сирдарё шаҳри 30 ёшга тўлади. Уни мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафаларида тантана қилиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда ободончилик ишлари авжида. Туманда, умуман, меҳнат марошининг авжи баланд. Пиллакорлар, ғаллакорлар шартнома режаларини бажардилар. Айниқса, фермерлар эришган муваффақиятлар юқори бўлди. Абдуқодир Бўронбоев, Гулбодом Донабоева, Асад Содиқов ғалладан 30-45 центнердан ҳосил кўтаришди. 391 фермернинг барчаси режани бажарди. Пахтакорлар ҳам улуғ байрамга муносиб совға ҳозирлаш тараддудида.

ИҚТИСОДИЁТГА ЯНГИЧА МУНОСАБАТ

Ижтимоий таъминот бошқармаси учун қурила бошланган бино чала қолиб кетган эди. Чехиядаги дори-дармон ишлаб чиқарадиган "Лечива" заводи билан ташкил этиладиган қўшма корхона учун шу жой танланди. Шундай қилиб, 1998 йил март ойида Ўзбекистон – Чехия "Лечива-Фармсаноат" қўшма корхонаси ишга туширилди. Эндиликда 1,5 миллион АҚШ долларидан зиёд низом жамғармасига эга корхонада 30 киши меҳнат қилмоқда. 35 хил маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Шу йилнинг беш ойида 120 миллион сўмга яқин фармацевтика воситалари истеъмолчиларга етказиб берилди. Маҳсулотнинг асосий қисми яқин хорижга экспорт қилинаяпти.

-Корхонамиз қисқа муддатда сифат сертификатига эга бўлди,- дейди бош директор муовини Мирсаид Ботиров. –Технология ва жиҳозлар янги. Ҳатто Нью-Йоркдаги сифат бўйича халқаро конвенциал саммит корхонамизни энг юксак мукофоти билан тақдирлашга улгурибди.

Академик лицей биносининг қарама-қарши томонида "Лечива-Фармсаноат"нинг иккинчи қавати қурилиши учун жой ажратилибди. Гулистоннинг замонавий кўриниши ўзгариб бораяпти.

Айни пайтда вилоятда 2765 та фермер хўжалиги ташкил қилинган. Уларда 24 мингдан ортиқ киши хизмат қилмоқда. Ҳар бир фермер ўртача 36,5 гектар ерга эга. Ўтган йил вилоятда ишлаб чиқарилган жами пахтанинг 16,3 фоизи, ғалланинг 27,5 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

Бу йил 136148 гектар майдонга чигит экилди. 2005 йилда пахтазорларни 135600 гектарга туширган ҳолда ҳосилдорликни 23,2 центнерга етказиб, 314,3 минг тонна ҳосил кўтариш мўлжалланган.

Сайхунобод туманидаги Қ.Султонов номли ширкат хўжалиги ғаллачилик оилавий пудратчиси Шокир Бобоев гектаридан 72 центнердан ҳосил кўтарди.

Боёвут туманидаги "Ғаллакор" қишлоқ хўжалик кооперативида 1992 йилда тўрт нафар фермер бор эди. Бу йил уларнинг сони 115 га етди.

-Мулкимизнинг 95 фоизини фермерларга бўлиб бердик,- дейди кооператив раиси Раҳмонқул Холбоев, -фермерчилик жоннинг ҳузури экан. Меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Олдин ўғит келса, туширишга одам топилмасди. Энди "қани ўғит?" деб чопишади. Бошқа соҳаларда ҳам шундай, ҳамма ўзи учун ишлайди. Ширкатни тўла фермерликка айлантириб юборамиз.

Натижа ҳам кўнгилдагидек. Бу йил ғалладан 25,4 центнер ўрнига 30,4 центнердан ҳосил кўтарилди. Пахта, шоли, беда бўйича режалар ҳам уддаланади. Бундай ютуқлардан туман деҳқон ва фермерлар уюшмаси раиси ўринбосари Эгамберди Набиев тўлқинланиб кетди чоғи, ғолиб қўмондон сингари "ўз фермерлари"дан вакилларни сафга тизиб, таништира кетди.

-"Ҳуррият" фермер хўжалиги, Ҳазратқул Шукуров, ғаллани 126 фоизга бажарди, "Даракчи", Собир Алиқулов, ғалладан 35 центнердан ҳосил олди, "Истеъдод", Қаҳҳор Шодиев, 40 центнердан ошириди. Бу шоввозларнинг ҳеч бўлмаса фамилиясини газетага ёзинг, ютуғини халқ билсин.

- Рости, замонавий фермерлар тушунчаси энди шаклланиб келаяпти,- деб давом этди Э.Набиев, -Фермерга кўп ер эмас, кўп даромад керак. 1 гектардан 1 миллион сўм соф фойда олмаса, 1 сўм сарфлаб 2 сўм наф кўрмаса, ўзини ҳам, ерни ҳам алдаб юрмаслик керак. Фермерлик – катта майдон, мустақиллик туфайли пайдо бўлган имконият. Қишлоқ хўжалигининг истиқболи ҳам фермерлик. Билими, ғайрати, замонавий тушунчаси етарли кишигина фермер бўла олади.

Табиатан саньаткорларга ўхшаб кетадиган Эгамберди Муҳиддинович фермер деса, жиддий тортиб қолар экан. Унинг мулоҳазалари анча жўяли, тўғри гаплар. Ўзи ҳам ўғли билан чинакам фермер қандай бўлишини амалда тасдиқлаш учун ҳаракат қилаётган экан.

Ҳа, бугун далаларда, саратон офтобидан бадани жимирлаб турган пайкаллар қўйнида "Мен – деҳқонман, шу заминнинг эгасиман, шу ердан ризқ ундиришга қодирман", деб тўла ҳуқуқ билан такрорлаётган кишилар кўп. Улар шижоати, ғайрати, таъмасиз меҳнати туфайли омборлар ғаллага тўлаяпти, пайкаллар мўл ҳосил билан бўлиғлашаяпти. Рўзғор бутлиги, дастурхонлар файзи – улар туфайли. Барча эзгуликлар, марҳамату эътиборлар, бизнинг қуллуқларимиз ҳам дала баҳодирларига бўлсин. Сирдарёнинг миллион эгатларидан ана шундай эътирофни ўқидик. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Албатта, вилоятда бугун олиб борилаётган ишлар кўламини-ю, ўн йилда эришилган ютуқлар салмоғини бир назар билан қамраб олиш мумкин эмас. Истиқлолнинг яратувчилик нафаси ҳар жабҳага бунёдкорлик, янгиланиш, яшариш руҳини олиб кирган. Эҳтимол, бу ҳақда ҳадеб такрорлайвериш ҳам нокамтарликдир, бироқ ўзгаришларнинг кўлами, суръати эртанинг ёруғ кунларидан шаҳодат бериб турибди. Сирдарё - озод юртимизнинг бир қисми, ўзига хос қиёфага ва умумий тақдирга эга воҳа. Бу ерда Президентимиз вилоят аҳли олдига қўйган вазифаларни бажариш борасида изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижалар эса чакки бўлмаяпти. Вилоят аҳли яхши умидлар билан келажакни қаршилаяпти.

Ҳаким САТТОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

МУЗОКАРА ҲАМ, ТЎҚНАШУВ ҲАМ...

Македонияда славян ва албан сиёсатдонлари ўртасида бир неча кундан буён музокаралар давом этмоқда.

Ҳозирда томонлар албанлар бошқаларга нисбатан кўп яшайдиган туманларда полиция раҳбарларини уларнинг ўзлари тайинлаши ҳақида баҳс-мунозаралар юритмоқдалар. Албан тилига давлат мақомини бериш борасида эса дастлабки келишувларга эришилди.

НАТО қўшинлари эса қачонки тўла тинчлик битимига эришилгач, албанларни қуролсизлантиришни назорат эта бошлайдилар. Бироқ унда рус қўшинларининг иштироки гумон. Чунки расмий Москва мамлакатдаги жараёнларда ғарбнинг етакчилигидан у қадар рози эмас. Хабарларга қараганда, ҳукумат қўшинлари ва жангарилар ўртасида ҳозир ҳам тўқнашувлар давом этмоқда.

ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАЁТГАН ҚАРС

Рейтер агентлигининг хабар беришича, Иерихон шаҳридан узоқ бўлмаган Алленби кўприги яқинида фаластинликлар исроиллик аёл бошқарувидаги машинага ҳужум уюштирганлар ва шаҳарнинг Фаластин кучлари назоратидаги ҳудудига яширинганлар.

Бундан ташқари, Гуш Катиф ҳамда Кфар Даром аҳоли пунктлари ҳам миномётдан ўққа тутилган, лекин жабрланганлар йўқ.

Унга жавобан эса Исроил танклари Ғазо секторидаги Дейр эль-Бала қишлоғига бостириб кирдилар ва уч фаластинликни жароҳатладилар. Ғазодаги бошқа тўқнашувда ҳам 4 нафар фаластинлик яраланди.

18 ЁШЛИ "СТИНГЕР"

Грознийда тинч аҳолини ўлдириш билан шуғулланадиган гуруҳ ҳақбари ҳибсга олинди. ИТАР-ТАСС-нинг минтақадаги вакили Руслан Мартаговнинг айтишича, бор-йўғи 18 ёшли бу жиноятчи "Стингер" лақабини олган бўлиб, унинг гуруҳи собиқ дала қўмондони Магомед Цагараевга бўйсунади.

Қуролланган босқинчилар кундуз кунлари кўчада ёки тунда одамларнинг уйларига бостириб киришиб, асосан уларнинг орқасидан отиб ташлар эканлар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар маълумотига кўра, "Стингер" ҳозирга қадар ўндан ортиқ бегуноҳнинг умрига завол бўлган.

МАҲБУС ГЕНЕРАЛЛАР

Босния ва Герцеговинада халқаро Гаага трибунали талабига мувофиқ ҳибсга олинган уч нафар мусулмон қамоқхонага келтирилди.

Улар собиқ генераллар Мехмед Алажич ва Энвер Хажихазанович ҳамда ҳозирга қадар бригада генерали бўлган Амир Кубиралар 1992-95 йилларда юқори вазифаларда ишлаганлар. Айни дамда уларга қўйилаётган айбномалар эълон қилинмаган эса-да, лекин ҳарбий жиноятлар қилганликлари аниқ. Маҳбусларнинг учаласи ҳам ўз уйларида қўлга олиниб, ҳеч қайсиси қаршилик кўрсатмаганлар. Босния армияси бош қўмондони Атиф Дудакович илк маротаба Босния ва Герцеговина полицияси Гаагада айбланаётган ўз фуқароларини ушлаб берди, дея фикр билдирди.

ҲАММА ИШ ЎЗЛАРИГА БОҒЛИҚ

АҚШ давлат котиби ёрдамчиси Кристина Рокка Исломободда Толибон вакиллари билан музокаралар ўтказди.

Унинг айтишича, толиблар Афғонистон ҳудудида террорчилик гуруҳларининг ташкил топишини қўллаб-қувватлар экан, Вашингтон-Қобул муносабатларида ҳеч қандай олдга силжиш бўлмайди. Шунингдек, саудиялик миллионер Усома бин Лоденни Қўшма Штатларга бермаса ҳамда экстремистлар тайёрловчи лагерларга чек қўйилмаса, мамлакатга нисбатан жорий этилган БМТ жазо чоралари тўхтатилмайди.

Ғарчи толибонлар бин Лоденни халқаро ҳамжамият ихтиёрига топширмасалар-да, уни ўзлари суд қилиш ниятидалар. Лекин у ҳозирда толибларга молиявий жиҳатдан кўмак бермоқда.

Интернет хабарлари асосида
Камолиддин АЛИОХУНОВ тайёрлади.

* *

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 7 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1Австралия доллари	210,52	1Австрия шиллинги	26,08
1Англия фунт стерлинги	581,62	1ОБельгия франки	88,96
1Голландия гульдени	162,85	1ОГреция драхмаси	10,54
1Дания кронаси	48,22	1БАА дирхами	11,01
1АҚШ доллари	407,67	1Миср фунти	97,06
1ОИспания песети	21,57	1ОООИталия лираси	18,53
1Канада доллари	266,45	1Хитой юани	49,25
1ОЛюксембург франки	88,96	1Малайзия рингити	07,30
1Германия маркаси	183,49	1Польша злотийси	96,49
1СДР	514,63	1ОООТуркия лираси	О,31
1Финляндия маркаси	60,36	1Франция франки	54,71
1Швейцария франки	238,36	1ЕВРО	58,87
1ОЖанубий Корея вони	3,17	1ОЯпония иенаси	32,86
1Россия рубли	13,89	1Украина гривнаси	76,16

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ВАТАН ЯШАР ЮРАКДА

(Боши 1-бетда)

-Қани, яна ўқи-чи, қизим.

Рухсора шеър дафтарининг бир бетини очди-да, яна ўша янгроқ овозда шеър ўқиди.

Ватан нима? Осмонми?
Ё қуёшми, дарёми?
Ёки хаёллардаги
Олис, чексиз дунёми?
Йўқ, Ватан – орзу, ният,
У яшайди юракда.
Акс этади ҳамиша
У соф-эзгу тилакда.

Тошпўлат ака қизининг пешонасидан ўпиб қўйди. "Ватанни таниб қолибди, илоё келажагингни берсин" деб ичида дуо қилди.

-Яхши қизим, машқни бўшаштирма, кўпроқ китоб ўқи. Келажакда Зулфия опангдек шоира бўлишингни жуда-жуда истайман, илойим яхшиларнинг йўли қўлласин, - деб унга Зулфия ҳақида гапириб берди.

Унинг шеърларидан намуналар ўқиди. Бобосининг уйида меҳмон бўлиб қолган Рухсора шу куни ширин туш кўрди.

...Боғда капалакларни қувиб юрган Рухсора қипқизил бўлиб очилган атиргуллар ичида турган Зулфия опани кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Кечагина бобоси у ҳақда гапириб берган эди. Бугун бўлса ўзи унга рўбарў бўлиб турибди. Ийманиб унга салом берди. Зулфия опа жилмайиб қараб турар, қўлида эса оппоқ гуллар бор эди.

"Тавба, ҳаммаёқда қизил атиргуллар бўлса, опа оқ гулларни қаердан олди экан?" деб Рухсора ҳайрон.

-Нимага ҳайрон бўлаяпсан, қизим, бу оқ гуллар оддий гул эмас, орзу гуллари. Сенга ўхшаган шеър ёзадиган қизларга улашиб юрибман. Мана биттаси сенга. Бу гул ҳеч сўлмайди, фақат уни авайлаб-асра.

Зулфия опа узатган гулни шоша-пиша қўлига олиб, бобосига кўрсатиш учун югуриб кетаётганда бирдан уйғониб кетди. Ўрнидан тура солиб ён-атрофларини қидира бошлади.

Эрта туришни одат қилган Тошпўлат ака деразадан неварасининг ниманидир қидираётганини кўриб қолди.

-Тинчликми, Рухсора қизим, нима қидиряпсан?

-Зулфия опам орзу гулини берган эди, ҳозиргина қўлимда...

Неварасининг ҳали ҳам уйқусираб турганини кўрган Тошпўлат ака уни ҳовлига олиб чиқди ва тушини сўради.

Рухсора ўз ҳаракатларидан уялинқираб, бор гапни айтиб берди...

Орадан йиллар ўтди. Бу орада Рухсоранинг шеърлари туман, вилоят ва республика газета-журналларида кетма-кет чоп этила бошланди.

Тошпўлат ака-уни қадрдон дўсти, болалар шоири марҳум Сафар Барноев ҳузурига етаклаб борди.

Шундай кунларнинг бирида Рухсора бувасига "Матбуотда чиққан шеърларимни кичик бир китобча қилайлик" деб қолди. Салкам қирқ йилдан бери ижод қилиб келаётган Тошпўлат ака ҳалигача ҳам ўзининг биронта китоби чиқмаганига армон қилиб яшаётганиданми, "Армоним сенда ушалсин" деб бу ишга бош-қош бўлди.

Яхшиларнинг кўмаги билан ўтган йили "Чўлпон" нашриётида Рухсора Тўлебоеванинг биринчи китоби - "Орзу" босмадан чиқди. Бу тушида Зулфия опа берган Орзу гулига бўлган бир ҳавас эди. Биринчи китобидан шодон юрган Рухсораларнинг уйига бир куни Ўрта Чирчиқ туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Тамара Абдуҳакимова ташриф буюрди. У Рухсоранинг ота-онаси билан ҳолаҳвол сўрашгач, муддаога ўтди.

-Яқинда Президентимиз Фармони билан ёш ижодкорларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Зулфия мукофоти таъсис этилди. Шунга ҳар бир тумандан биттадан номзод кўрсатиляпти. Биз туманимиздан Рухсоранинг номзодини кўрсатмоқчимиз.

Шундай қилиб, дастлабки ҳужжатлар тайёрланди ва номзодлар рўйхатига киритилди...

...Тошпўлат ака кундалик матбуот билан танишар экан, Президент Фармонига кўзи тушди. Унда бир гуруҳ ёш ижодкорларни Зулфия мукофоти билан тақдирлаш ҳақида гап борарди. Неварасининг ҳам номзоди қўйилганидан хабари бор бува рўйхатда унинг исмини ўқиб, бир қалқиб кетди.

Шу куни хонадон тўйхонага айланди. Рухсорани, ота-онасини, айниқса, бувасини Тошпўлат Холматовни табриклагани бутун вилоят кўчиб келди, десак бўларов. Чангтепа қишлоғи шу куни Гултепага айланиб қолгандек бўлди. Ҳамма кучоқ-кучоқ гуллар билан табриклагани келишди. Рухсора ўшанда Ўрта Чирчиқ туманидаги 14-ўрта мактабнинг 10-синфида ўқир эди. Ҳамма уни эркалаб "Зулфия опанинг катта қизлари" дейишарди.

Рухсора бу йил мактабни тугаллади. У яна бир орзулар остонасида турибди. Ўзининг "Парвоз" деган шеърида шундай ёзади:

Ҳалол меҳнат қилайин доим,
Мен пешона терларим билан.
Гарчи оққуш бўлолмасамда,
Парвоз қилай шеърларим билан.

Зулфия опанинг тутқазган оппоқ гуллари йўли ойдин бу қизнинг кўнглида дарахтдек кўкармоқда. Бу дарахтнинг гуллари ҳам оппоқ бўлади. Зеро, Юртбошиси эъзозлаб бошини силаган фарзандлари шу юртга, шу Ватанга содиқ бўлиб ўсмоқдалар.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

ҲОРДИҚ ЛАҲЗАЛАРИ

Чойхоначи чойхўрга гир-гир парвона бўлса...

Т.МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси.

МЕҲРУ МУРУВВАТ - ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНИ

(Боши 1-бетда)

Буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорий асари – "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ"нинг мазкур жумла билан бошланувчи "Адаб китоби"да келтириладики, саҳобалар ҳазрат Муҳаммад пайғамбаримиздан Аллоҳ Таолога севимли амаллар тўғрисида сўраганларида ул зоти муҳтарам: "Ота-онага меҳрибонлик ва итоат қилмоқдир", дея жавоб айлаган эканлар. Яна Ҳадисларда айтиладики: "Ота-онага муҳаббатингни сақла, агар сен уларга бўлган муҳаббатингни йўқотсанг, Аллоҳ сени ҳар турли файзлардан маҳрум этур", "Отага итоат қилмоқ Аллоҳга итоат қилмоқдир. Отага гумроҳлик қилмоқ Аллоҳга гумроҳлик саналур", "Аллоҳ ризо бўлишини истасангиз, болаларингизга доимо адолат қилингиз".

Ота-оналарига меҳр-мурувват кўрсатмайдиган, бўлар-бўлмасга улар билан жанжаллашадиган, фарзандларга ёки болаларига ёмон муносабатда бўладиган ота-оналарга ёхуд беоқибат оғаинилару қариндошуруғларга юқоридаги даъватлар аччиқ ва ҳаққоний сабоқлар сифатида хизмат этмоғи жоиз.

-Яқинда акаси билан ота маконини талашиб юрган бир ука билан суҳбатлашдик. Суҳбат асносида унга қуйидаги ҳикоятни сўзлаб бердик: "Бир пайтлари икки ака-ука деҳқончилик қилишибди. Улар астойдил тер тўкиб ишлаганликлари туфайли мўл ҳосил кўтаришибди. Баравар заҳмат чекканлари учун етиштирилган ғалланиям тенг тақсимлаб олишибди. Ўша куни кечаси укасининг уйқуси қочибди: "Акам оилали, болалари бор, уларни боқиш қийин. Мен эса бир ўзимман, озроқ нарса билан қаноатлансам кифоя", деб ўйлабди у. Сўнгра ука билдирмасдан бориб, ўз улушининг ярмини акасининг хирмонига тўкиб келиб, хотиржам ётибди. Акаям туннинг алламаҳалида уйғониб кетибди ва ҳаёлга толибди: "Укам ҳали бўйдоқ, уйланиши, рўзғорини йўлга қўйиши учун унга анча нарса зарур. Бизлар эса кўпчиликмиз, кунимиз ўтади, демак, укамга ёрдамлашишим лозим", дея хотинини уйғотиб маслаҳат солган экан, уям бу фикрни маъқуллабди. Кейинчалик улар ҳеч кимга сездирмай ҳулоса чиқаришимизга, қай даражада ибрат олишимизга ҳар томонлама боғлиқдир. Ё насибки, бу борада барчамизга қўли очиқлик ва сахийлик, ҳимматлилик ва меҳрибонлик, одиллик ва хайриҳоҳлик бобида шавкат қозонган шонли аждодларимизнинг ажойиб хислатлари ҳамда фазилатлари намуна бўлғай. Иншооллоҳ!

Бердиёр ЖУМАЕВ

ди", деди. Тўғриси, унинг ўз туғишганига шунчалар ағёрлиги, адовати ва ғофиллиги олдида лол қолдим, не деярмни-да билмай ҳайрон қолдим, беихтиёр кўнглимни "Орамизда шундай жоҳиллар кўпайиб кетмаяптими", деган ҳадик тирнаб ўтди.

Умуман, меҳр- мурувват, саховат каби ажойиб амаллар тўғрисида гапирар эканмиз, уларнинг ҳар бири қандай маъно англатишини чуқурроқ билиб қўйганимиз мақсадга мувофиқ кўринади. "Меҳр" форсийча сўз бўлиб, биз билгандан ташқари "қуёш", "офтоб" мазмунларини англатади, асли арабча "мурувват" эса бизнингча "мардлик" "одамгарчилик", арабча "саховат" – "сахийлик", "қўли очиқлик", "эҳсон", арабча "хайр" – "яхшилик", "инъом",, "хайрихоҳлик" тушунчаларини беради.

Жумлаи жаҳонга танилган улуғ бобокалонларимиз мазкур хислатларга ўз вақтида ажойиб таъриф-тавсиф бериб, уларга муносиб бўлишга барчани ундаб ўтганлар. Абу Наср Форобий хайр-эҳсонли ишлар ғўзал инсоний фазилатлар бўлиб, бахт ва камолотга эришишда муҳим омиллар эканлигини билдирса, Мир Алишер Навоий мурувват-карам (яхшилик)нинг уруғ-авлоди, эгизак қариндоши, саховат (қўли очиқлик) – кишилик боғининг ҳосилдор дарахти, эҳсон-одамгарчилик конининг қимматли гавҳари эканлигини, Абу Райҳон Беруний яхши кишида мол-дунё йўқлиги ор саналмаслиги, лекин унда яхшиликка интилиш тугаса, уят ҳисобланиши, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳиммат ва саботи бўлмаган халқнинг ҳаққи ҳаёти йўқ эканлигини таъкидлаганлар. Атоқли мутафаккир Абдулла Авлонийнинг бу борадаги ўгитлари ушбу турур: "Бой фақирга, фақир бойга, муаллим шогирдга, шогирд муаллимга, ота-она фарзандга, фарзанд ота-онага муҳтождур. Шунинг учун ҳар ким ўз устига юкланган вазифасини тўғрилик ва хайриҳоҳлик ила адо қилмоғи лозимдир".

Хуллас, меҳру оқибат, мурувватсаховат, яхшилигу адолат, хайру эҳсон сингари эзгу ҳамда савоб амалларни қамраб оладиган инсонийлик ва одамгарчиликнинг ҳаммамизга ўрнак бўларлик сабоқлари узоқ кечмишимиздаям, ҳозирги ҳаётимиздаям жуда кўпдир. Эндиликда ҳамма гап улардан қандай ҳулоса чиқаришимизга, қай даражада ибрат олишимизга ҳар томонлама боғлиқдир. Ё насибки, бу борада барчамизга қўли очиқлик ва сахийлик, ҳимматлилик ва меҳрибонлик, одиллик ва хайриҳоҳлик бобида шавкат қозонган шонли аждодларимизнинг ажойиб хислатлари ҳамда фазилатлари намуна бўлғай. Иншооллоҳ!

Бердиёр ЖУМАЕВ

ЖОНКУЯР

(Боши ўтган сонларда)

Жонкуяр онахон кечқурун келган томонга жар ёқалаб бораркан, шовиллаб оқаётган сув ичида қийшайиб қолган дарахтга кўзи тушиб, йўлидан тўхтади. Дарахтнинг учида, сувга энгашиб қолган дарахтнинг шохига ёпишиб олган одам қораси кўринди. Кўриндию, "Эғлинг эмасмикин?" деган шубҳа дилидан ўтди. энтикиб қараган кўзларига ўн икки ёшлардаги ўғил бола кўринди. Аммо, унинг кенжаси Адҳамжонга сира ўхшамасди. "Ўғлинг Адҳамжонинг бўлса, аҳволини томоша қилиб турармидинг, нега қутқармайсан бу болакайни? Ўз онаси бўлса, сенга ўхшаб қараб турармиди?!".

Жонкуяр ҳам қараб туролмади. Сел дарахтни тобора ўз қаърига тортиб, уни ғарқ қилишга уринарди. Болакай дарахт танасига тирмашиб, гўё елимдай унга ёпишиб, қалтираб турарди. Толиққан қўллар яна қанчага чидайди. Ҳалокати яқинлаб қолганини пайқаган Жонкуяр онахон таваккал қилиб, ўзини сувга отди.

Томирини сел ўпираётган дарахт учида жонини жабборга бераётган бу болакай сув босиб "тревога" эълон қилинган "Қоч! Қоч!" вақтида уйқисирабми, қўрққаниданми, ўзини йўқотиб қўйган, вақима ичида йўлдан адашиб, тепага эмас, боғ йўлига югурганди. Боғни сув босганини қаёқдан билсин. Тизза бўйи нишоб оқаётган сув уни шу олма дарахтига ёпиштириб қўйди. Сувга чўкаётган кимса сомонга тирмашибди, деганларидай бу болакай ҳам ўзининг тақдирини шу дарахтда деб, уни ёш жонининг халаскори, деб билди-да, жон-жаҳди билан унинг танасига елимдай ёпишиб олди.

Болакай шу туришда қанча қотиб туришини билмас, ҳеч кимдан ва ҳеч қаердан унга нажот йўқдай эди. Унинг ҳоли не бўлади? Ноаниқ... Ноаниқлик норасиданинг вужудини титратди. Дарахт тобора сувга шўнғиб борар, сел суви эса, шумлик қилиб, дарахт шохларини силкитар ва уларга қўшиб болакайни ҳам ларзага солди.

Бечора болакайнинг жони қил устида турган ана шундай бир лаҳзада қандайдир номаълум қўллар уни дарахтдан юлиб олди. "Дод!" деб юборди у бехос. Уни сел жинларими, алвастими, аждарҳоми қаърига тортаётгандай қўркувли эди. "Войдод!" деди у юраги ёрилгудай бўлиб.

-Қўрқма, болам бу мен... Менман... Ўқитувчинг Жонкуярман.

Ўз онасининг овозига ўхшаб кетган бу раҳмдил садодан болакай жонланиб кетди.

-Онажон... Сизми? Қандай билдингиз? Қаёқдан кеп қолдингиз? Тезда мени оп кетинг бу жойдан! Тез бўлинг, кетайлик!..

Болакайнинг кейинги сўзлари онаизорнинг қулоғига жуда ёқимли эшитилиб, бағрини илитди. Ўзининг Адҳамжони шу бола эмасми? Апил-тапил унинг шамолда қорайган, сувда шишган кўзларига бокди. Боқиши ҳамон болакайнинг кўз қорачиқлари порлаб, онаизорнинг чехрасини ҳам порлатиб, бағрини илитди. "Вой болажоним! Вой кенжагинам! Не кунларга қолдик, қўзичоғим!..".

Она-бола сўзсиз қучоқлашиб турар, юракларнинг ўзлари дуккилаб гаплашарди. Хурсандчиликданми, шундай халокат қўйнида тирик учрашаётганларидан мамнун бўлиб, тангрига шукроналар айтибми, уларнинг қалблари йиғлардию, кўзларига ёш келмасди.

Она-бола сўзсиз қучоқлашиб турган пайтда қора уйдай бир тўлқин ҳайқириб келиб, уларни қирғоққа улоқтириб юборди. Онахони эса нима бўлганини эслаёлмасди. Бир вақт ўзини ямбағирликнинг чўққисида кўрди. Бироқ, қараса, дарахтдан узиб олган болакайи ёнида йўқ.

Не кўз билан кўрсинки, боши тошга урилиб, тил тортмай жон берган унинг кенжаси, севимли Адҳамжони анча нарида гоҳ сув бетида кўриниш бериб, гоҳо тубига чўкиб, яна кўриниш бериб оқмоқда эди...

Онаизор бағридан узилиб тушган бир парча жигар гўшаси кетидан бўзлаб-бўзлаганича югура кетди. Қани энди унга ета олса. Қаёқда! Пастликка яқинлашганида сел суви бамисоли қанот ҳосил қилгандай учиб кетди-да, боласини ҳам учириб, тез орада кўздан ғойиб қилди.

Адҳамжонни қидирган онаизор кўзига таниш жойлар, кеча андак дам олиб, роҳатланиб кетган маскан кўринди. Меҳрй холаларнинг уйи шу ерда эди, шекилли...

Жонкуяр икки кўзини сув босган майдонлардан узмай, Набижон билан Барнохон кузатиб қўйган чўққига келиб, таажжубдан ёқа ушлади. Кутилмаган, тасаввур қилиб бўлмайдиган фалокатдан гўё еру кўк сув остида қолиб, Шоҳимардон мисоли денгиз булоққа айланиб қолгандай эди. Лоф эмас, аммо, бу даҳшатни ўз кўзи билан кўрмаган кимса, инсон боласининг таърифу тасвирига ишониши қийин.

Не бадбахт қисматки, бу даҳшатни Жонкуяр онахон такрор-такрор кўриб турибди, Шоҳимардон қиёмат қойимини кўрган кўзлари ўйилса бўлмасмиди. Бу оромгоҳнинг гузарию, гулзорлари қани? Қатор-қатор терилиб турган уйлари қани? Одамлари қаёққа гумдон бўлдилар? Тўп-тўп бўлиб дам олувчилару, сайилга келган сайёҳлар қани? Бўлажак қудалари қаёнга кетдилар? Савол-кетидан савол ёғилиб келарди. Шу пайт Оқсув, Кўксувни бирлаштириб Шоҳимардон сой ўзанидан ҳайқириб оқаётган сел йўғон-йўғон харсанг тошларни қарсиллатиб, бир-бировига уриб, дўқиллатиб, думалатмоқда эди. Ажабо, катта-катта дарахтлар томири билан бўйи бастини букмай, тикка оқмоқда. Ана сув бетида ёғоч уй... Меҳри холаларнинг ёғоч уйига ўхшарди. Ё, тавба, ўшаларнинг "фин уйи"га ўхшайди-ку... Ўзлари уй ичида оқаётган эмасмикин?! Анави оқаётган аёл Меҳри хола эмасмикин?

Бераҳм сел бир нуроний аёлни кўғирчоқдай ўйнатиб, гоҳ ётқизиб, гоҳ турғизиб, гоҳида чўктириб, гоҳида сув бетига кўпикдай кўтариб борарди. Анави болалар кимнинг жигар гўшалари? Орасида сенинг Адҳамжонинг йўқмикин? Афсуски, Жонкуяр минг уринмасин, уларнинг биронтасини ушлаб олишга ожиз эди. Сел шамоли уни сира-сира тошқинга йўлатмасди. Уни гўё бахайбат девлару қутирган жинлар қўриқлар эдилар.

Бу даҳшатли ҳодисани шу пайт Шоҳимардон сойнинг нариги юзидаги Набижон билан Барнохон ҳам кузатиб турган эдилар. Ўзлари истиқомат қилган ёғоч уйлари ёлғиз елкандай оқиб кетаётганини улар ҳам кўрган эдилар. Бироқ, уй ичида отаонасию, ака-ука, опа-сингиллари оқиб кетаётганини Барнохон кейинча билди. Билдию, Набижонни қучоқлаб, дод солди.

Иброҳим РАҲИМ

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ . . .

Оламдаги энг совуқ ҳарорат – 89,9 даражага етган. Бу маълумот 1983 йили 21 июн куни Антарктидадаги "Восток" станциясидан олинган.

* * *

Дунёдаги энг кучли довул Нью-Гемпшир штатидаги Вашингтон тоғида 1934 йили бўлган экан. Унинг тезлиги соатига 372 километрга етибди.

* * *

Русиядаги Байкал кўли оламдаги энг чуқур кўл ҳисобланади. Унинг чуқурлиги 1940 метр.

* * *

Дунёдаги энг қуруқ ҳудуд Чилидаги Атакама саҳроси ҳисобланади.

* * *

Гавайянинг Вай Але-Але тоғида йилнинг 350 кунида тинмасдан ёмғир ёғар экан.

* * *

Тинч океани – уммон оламида энг улкани ҳисобланади. Унинг ҳудуди 166241000 квадрат километр, чуқурлиги ўртача 4188 метр.

* * *

1976 йилнинг 28 июлида Шарқий Хитойда рўй берган кучли зилзила оқибатида 655237 одам ҳалок бўлган.

* * *

Оламдаги энг улкан уй АҚШнинг Калифорния штати Сан-Симсон шаҳридаги америкалик миллиардер Уильям Рендольф Херстнинг (1863-1951) уйи экан. 1922 йилдан 1939 йиллар мобайнида қурилган бу уйда 100 дан ошиқ хона, 32 метр сув иситадиган ҳовуз ҳамда 25 та лимузин учун гараж бўлган.

Тўпловчи: Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

ШУ ҲАФТАДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ўзбекистон об-ҳавони кузатиш маркази маълумотларига кўра, ҳафта бошида мамлакатимизда ҳаво бир оз булутли бўлади. Шимолий ғарбдан 7-12 м/с тезликда шамол эсади.

Тошкент шаҳрида ҳарорат кечаси 17-19, кундузи 34-36 даражага кўтарилади.

Қорақалпоғистон ва **Хоразм, Бухоро, Навоий** вилоятларида кечаси 14-19, кундузи 29-34^0 иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва **Сирдарё вилоятлари** ҳамда **Фарғона водийсида** кечаси 14-19, кундузи 31-36^0 га етади.

Қашқадарё ва **Сурхондарё вилоятларида** кечаси 18-23, кундузи 34-39^0 иссиқ бўлиши кутилмоқда.

8-11 август кунлари республикамиз бўйича ҳаво асосан кам булутли бўлади. Шарқдан 7-12 м/с тезликда шамол эсади. Айрим жойларда чанг-тўзон кўтарилади.

Қорақалпоғистон ва **Хоразм вилоятида** кечаси 17-22, кундузи 32-37^0 иссиқ бўлади.

Бухоро ва **Навоий вилоятларида** ҳарорат 8 августда кечаси 16-21, кундузи 32-37^0, 9-11 августда кечаси 19-24, кундузи 34-39^0 га кўтарилади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда **Фарғона водийсида** 8 августда кечаси 15-20, кундузи 30-35^0, 9-11 августда кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража бўлиши кутилмоқда.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса кечаси 18-23, кундузи 34-39^0 ни ташкил этади.

"Фан, тиббиёт ва технологиялар" масъулияти чекланган жамият шаклидаги таҳририят тугатилаётгани муносабати билан даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, А.Ҳидоятов 4-тор кўчаси, 1-уй.

"Илҳом-Гули" хусусий илмий ишлаб-чиқариш фирмаси тугатилаётгани муносабати билан даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қора-Қамиш 2/4 17-уй, 34-хонадон.

"Қишлоқ ҳаёти"нинг навбатдаги сони 10 август - жума куни чиқади.

СПОРТ ОЛАМИДА

"ПАХТАКОР" БИЛЛУР СОВРИН СОҲИБИ

Тошкентнинг "Пахтакор" ва Фарғонанинг "Нефтчи" жамоалари ўртасида кечган 2001 йилги Ўзбекистон кубогининг финал матчи муросасиз, қизиқарли, ҳужумкор руҳда ўтди.

Чунки, фарғоналиклар ҳам, тошкентликлар ҳам бир-бирига азалий муносиб рақиблар саналишади. Бундан ташқари биллур соврин баҳсларида "Нефтчи" ҳам, "Пахтакор" ҳам икки мартадан ғолибликни қўлга киритган, агар бу сафар ким ғалаба қозонса, Ўзбекистон кубоги баҳсларининг уч маротаба совриндори бўлган Наманганнинг "Навбаҳор" жамоасига етиб олишлари тайин эди. Шу боисми, иккала жамоанинг ўзаро беллашуви футбол ишқибозлари учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Яқиндагина "Бухоро" ва "Қизилқум" билан миллий чемпионат ўйинларида анча бўш ўйнаган пахтакорчилардан кўпчилик ишқибозлар бироз хавотирга тушишганди. Лекин пойтахтнинг бош жамоаси ушбу беллашувга астойдил тайёргарлик кўрганлигини намойиш этди. Биринчи бўлимнинг 26-дақиқасидаёқ ҳисоб очилди. Пахтакорчи Леонид Кошелев рақиблар дарвозасини аниқ нишонга ола билганида, ишқибозлар ниҳоятда қувониб кетишганди, чоғи. Стадионни ларзага келтирган ҳайқириқ анча вақтгача тинмади. Бироқ 34-дақиқадаёқ фарғоналиклардан Анвар Бердиев ҳам мезбонлар дарвозабонини доғда қолдириб, ҳисобни тенглаштирди.

Иккинчи бўлим ҳам барибир пахтакорчилар устунлигида ўтди. 58-дақиқада пахтакорчи моҳир тўпурар Леонид Кошелев ўз сўзини айтди. Яъни, меҳмонлар дарвозасига тўпни жуда чиройли йўллаб, тошкентликларнинг биллур соврин соҳиби бўлишларини таъминлади.

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

Яқинда ЎФФ тартиб-интизом қўмитасининг навбатдаги йиғилишида 1-даврдаги интизомсиз ўйинчиларнинг бир нечтасига нисбатан тегишли чоралар белгиланди.

Олий лига. "Сўғдиёна" – "Зарафшон" учрашувида Ш.Шамсиев ("Зарафшон") қанот ҳаками И.Галеевни ҳақорат қилгани учун майдондан четлатилди ва 50 минг сўм жарима тўлайдиган бўлди.

"Насаф" – "Навбаҳор" ўйинида С.Иванов ("Навбаҳор") ўз жамоадошини ҳақорат қилгани учун 2 тур дам олади ва яна 30 минг сўм жарима тўлайди.

Биринчи лига. "Гулистон" – "Шўртан" баҳслари пайтида Ж.Дўстматов ("Гулистон") рақибининг оёғига қасддан тепган ва оқибатда 4 та турдан маҳрум бўлди.

"Риштон" – "Машъал" учрашувида бош ҳакамга нисбатан айрим мухлислар одобсизлик қилишган. Милиция ходимларининг тинчлантиришларига қарамай, баъзи ишқибозлар уларни ҳам ҳақорат қилишиб, майда тошлар улоқтиришган. ЎФФ яна шундай ҳол такрорланса, "Риштон" ўйингоҳида бошқа мусобақа ўтказмасликка қарор қилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҲАР БИР ЧЕМПИОНАТ – ЖИДДИЙ СИНОВ

Енгил атлетика бўйича республикамиз ўсмирлар терма жамоаси яқинда Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионати баҳсларида иштирок этди.

Афсуски, биронта вакилимиз ҳам финалга етиб бора олгани йўқ. Фақатгина тошкентлик Рауф Тарзуманов найза улоқтиришда 60 метр 53 сантиметр натижа кўрсатиб, кучли ўн иккилик сафига кира олди.

Брунейда ўтказилган 1982 йилгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги енгил атлетика бўйича Осиё чемпионати эса тошкентлик Леонид Андреев учун омадли кечди. У 6897 очко тўплаган ҳолда чемпионатнинг кумуш медали соҳиби бўлди. Фарғоналик Ольга Мурнаева баландликка сакраш бўйича (170 см) 4-ўрин билан кифояланди.

Бруней баҳсларидан сўнг спортчиларимиз Малайзия очиқ чемпионатида ҳам иштирок этишди. Гарчи, ҳамюртларимизга у ерда Малайзиянинг 15 та штати ҳамда Осиёнинг 12 давлатидан ташриф буюрган катта ёшдаги спортчилар билан баҳс юритиш тўғри келган бўлса-да, ўзларини кўрсата олишди. 800 метр масофага югуришда ЎзДавФИ талабаси А.Радигина чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида эса, ўзбекистонликлар олтинчи бўлишди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЎРИН БИЛАН КИФОЯЛАНИШДИ

Хитойда ўтказилган баскетбол бўйича эркаклар ўртасидаги Осиё чемпионати баҳсларида республикамиз терма жамоаси кучли бешталик қаторига кира олмади.

Улар Ҳиндистон терма жамоаси билан бўлган дастлабки учрашувда йирик ҳисобда имкониятни бой бериб қўйганларидаёқ бунга амин бўлишганди. Сингапурликларни 85:65, Гонгконгни 76:75, БАА терма жамоасини 73:67 ҳисобида енгган баскетболчиларимиз 9-ўрин билан кифояланишди.

Олимжон ҲАЙИТОВ

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Иқромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Гафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР:
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноат", "Ўзбекипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

Телефонлар:
Қабулхона - 133-09-93 - 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар— 136-56-30 (факс).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-519-58; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган, Фарғона - 8-369-22-652-10; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-640-80; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.
Навбатчи: Ҳ.САТТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 2608, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00 | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди | 1 2 3 3 4 6.